

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК 373.2:7.071:17.018

КУТТИБЕКОВА ГУЛЖАН ТУЛЕПБАЕВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШДА
БАДИИЙ ИЖОДНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори,
профессор **Мардонов Шукурулло Қўлдошев**

ЖИЗЗАХ – 2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШДА БАДИЙ ИЖОДНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ИЛМИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	13
1.1-§. Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашнинг мақсад, вазифа ҳамда хусусиятлари	13
1.2-§. Арт-педагогика ва арт-терапияни ривожлантиришда ўқувчиларнинг ижодий имкониятлари	26
1.3-§. Умумтаълим мактабининг бошланғич синфларида арт-педагогик ва арт-терапевтик технологияларни қўллаш имкониятлари	37
I боб бўйича хулосалар	45
II БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШНИНГ АМАЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМИ	46
2.1-§. Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбияланганлик даражаси.....	46
2.2-§. Арт-педагогик ва арт-терапевтик технологияларни бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш амалиётига татбиқ этиш метод, шакл ва воситалари.....	65
2.3-§. Арт-педагогик ва арт-терапевтик технологиялар асосида бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш модели.....	81
II боб бўйича хулосалар	86
III БОБ. ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИ	88
3.1-§. Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашда бадиий ижоднинг инновацион технологияларини қўллашга доир тажриба-синов ишлари мазмуни.....	88
3.2-§. Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашда бадиий ижоднинг инновацион технологияларини қўллашга доир тажриба-синов ишлари натижалари.....	100
III боб бўйича хулосалар.....	137
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР	143
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	145

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида ўқувчи шахсини санъат асарлари воситасида шакллантириш ва ривожлантиришга, умуминсоний кадриятлар билан яқиндан таништиришга, гўзаллик ва эзгуликни кадрлашда эстетик дид ва ижодий фаолликни рағбатлантирувчи педагогик технологияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, арт-педагогик ва арт-терапевтик технологиялардан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилиб, Америка арт-терапия ассоциацияси, Буюк Британия арт-терапевтлар уюшмаси, Европа арт-терапия таълими консорциуми, Россия арт-терапия ассоциацияси томонидан таълим олувчиларнинг психоэмоционал ҳолатига терапевтик ва коррекцион таъсирни ҳисобга олган ҳолда муסיқий терапия, вокалотерапия, изотерапия, библиотерапия, имаготерапия усулларида комплекс фойдаланишга эътибор қаратилмоқда.

Дунёда бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашда бадиий ижоднинг муסיқа ва тасвирий санъат турларининг педагогик имкониятларини аниқлаштириш, муסיқий педагогика ва психология воситасида таълим олувчиларнинг эстетик тафаккурини ривожлантиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларини бадиий матнлар билан ишлашга ўргатиш орқали уларнинг эстетик онги ва дунёқарашини таркиб топтириш, арт-педагогика воситасида болаларнинг эстетик сифатларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, бадиий ижод намуналари асосида эстетик тарбия жараёнларига герменевтик ёндашувни татбиқ этишнинг педагогик тизимини такомиллаштириш алоҳида долзарблик касб этади.

Республикада ёш авлодни миллий ва умумбашарий кадриятлар, жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш, уларда гўзаллик туйғуси,

эстетик эҳтиёж ва дидни ривожлантириш мақсадида таълим ва маданият муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «Ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, муқобил ёндашувларни ўрганиш ва илмий асослашга йўналтирилган амалий характердаги илмий изланишларни ривожлантириш, замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса, бошланғич синф тасвирий санъат ва мусиқа дарсларида арт-педагогик технологияларни қўллашнинг ўзига хосликларини очиқ бериш, арт-педагогиканинг кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни эстетик, ҳиссий ва ижодий ривожлантиришга доир имкониятларини аниқлаштириш, санъат туркумига кирувчи фанларни ўқитишда арт-педагогик технологияларни қўллашнинг педагогик моделини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармонлари, 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3907-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги «Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 997-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Х.Нурматов, К.Мамиров, Н.Киямов, Ф.Халилов, А.Мансуров, О.Ибрагимов, Н.Нарходжаев, Л.Мухаммаджонова, Н.Нурматов, Р.Юнусов, Э.Н.Шаинская, С.Дебердеева, А.Сулейманов, З.Сулейманова, И.Раҳманов, М.Исакова, Р.Хасанов, Б.Хайдаров кабиларнинг илмий изланишларида ўқувчи-ёшларни эстетик тарбиялаш, санъат педагогикаси воситасида баркамол шахсни шакллантириш тизими ёритиб берилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан А.Копытин, В.Анисимов, А.Айтбаева, Ж.Шайгозова, М.Султанова, Е.Медведева, И.Левченко, Л.Комиссарова, Т.Добровольская, А.Кузнецова, О.Корженко, Е.Заргарьянлар томонидан санъатнинг шахс интеллектуал ривожига таъсири, арт-педагогика воситасида ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг ташкилий шарт-шароитлари тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан Э.Сеген, Ж.Демор, О.Декроли, Т.Коллен, Р.Бикер-Вайт, Д.Зубейде, Б.Чрисси Иоанноу, М.Моррис, Н.Голдман, Э.Безани Члое кабиларнинг тадқиқотларида санъат воситасида ўқувчиларнинг эстетик компетентлигини ривожлантириш, театр педагогикаси орқали ўқувчиларда бадиий-эстетик тафаккурни шакллантириш масалалари ўрганилган.

Мазкур муаммо юзасидан қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, айнан бадиий ижод ва арт-педагогика воситасида бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш масаласи махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса,

бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашда бадиий ижоднинг инновацион технологияларидан фойдаланиш йўллари бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017-0927124 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашда бадиий ижоднинг инновацион технологияларини қўллаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф тасвирий санъат ва мусиқа дарсларида арт-педагогик технологияларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

арт-педагогиканинг кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни эстетик, ҳиссий ва ижодий ривожлантиришга доир имкониятларини аниқлаштириш;

санъат туркумига кирувчи фанларни ўқитишда арт-педагогик технологияларни қўллашнинг педагогик моделини ишлаб чиқиш;

бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбияланганлик даражасини баҳолашнинг диагностик тизимини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш жараёни танлаб олиниб, тажриба-синов ишларига Жиззах, Навоий, Андижон вилоятлари умумий ўрта таълим мактабларидан 309 нафар бошланғич синф ўқувчиси жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашда бадиий ижоднинг инновацион технологияларини қўллаш модели ва йўллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таҳлил, кузатув, педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, сўровнома, тест, суҳбат, педагогик эксперимент ва математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф тасвирий санъат ва мусика дарсларида арт-педагогик технологияларни қўллаш жараёнининг ўзига хослиги бадиий-эстетик тафаккурни ривожлантиришда субъект-субъект муносабатлари билан индивидуал танлов эркинлигининг ўзаро қайта алоқага киришув даражаси барқарорлиги муҳимлигини асослаш орқали аниқлаштирилган;

арт-педагогика воситасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни эстетик, ҳиссий ва ижодий ривожлантириш жараёнлари мусикатерапия, рақстерапия, изотерапия, қўғирчоқтерапия, эртақтерапиянинг тарбиявий таъсир кўрсатиш натижавийлиги дидактоген омилларни ҳисобга олиш билан ҳам боғлиқлигини асослаш орқали такомиллаштирилган;

ижодий-ривожлантирувчи, рефлексив, коммуникатив-ижтимоий машқлар, репродукциялар, расмлар билан ишлаш, ҳис-туйғуни ифодалаш, мусиқий образни моделлаштириш, презентатив, рецептив, интегратив ва фаол мусикатерапияни тизимли қўллаш алгоритмини ишлаб чиқиш асосида санъат туркумига кирувчи фанларни ўқитишда арт-педагогик технологияларни қўллашнинг педагогик модели такомиллаштирилган;

комплекс ёндашув асосида ўқувчиларнинг эстетик тарбияланганлигини аниқлашнинг когнитив, қадриятли-йўналтирувчи, ижодий, фаолиятли мезонлари билан бадиий-эстетикликнинг ривожланганлигини баҳолашнинг адаптив методикалари интернал алоқасини таъминлаш орқали бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбияланганлик даражасини баҳолашнинг диагностик тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашга доир арт-педагогик технологиялар мажмуи тизимлаштирилган;

арт-педагогика воситасида ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш алгоритми ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи арт-терапевтик машқлар мажмуи ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашда бадиий ижоднинг инновацион технологияларини қўллашга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашувлар ва методларнинг илмий-услубий асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик усуллар воситасида аниқлаштирилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти арт-технологияларнинг икки тури – арт-педагогика ва арт-терапиянинг ўзаро боғлиқлиги асосланганлиги, эстетик туркум дарсларида арт-педагогик ва арт-терапевтик технологияларни қўллашнинг педагогик модели ишлаб чиқилганлиги, ўқув фанлари мазмуни илғор хорижий ва миллий тажриба асосида арт-педагогик материаллар билан бойитилганлиги ҳамда бошланғич синф ўқувчиларини эстетик туркум мавзулар билан таништиришга асосланган ижод технологиялари таълим муаммоларининг (ахлоқий, психологик, коммуникатив, бадиий-ижодий) комплекс ечими сифатида очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти арт-педагогик технологияларнинг самарадорлиги тасвирий санъат ва мусиқа дарсларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш босқичларини такомиллаштириш жараёнида исботланганлиги, арт-педагогиканинг бошланғич синф ўқувчиларининг ақлий ва ижодий қобилиятларини жадал ривожлантиришга таъсири амалий жиҳатдан кўрсатиб берилганлиги, арт-педагогик технологияларни қўллашга

доир моделнинг мусиқа, тасвирий санъат дарсларида ва ўқувчиларнинг синфдан ташқари ижодий фаолиятларини такомиллаштиришда амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан бошланғич синф ўқитувчилари учун методик қўлланмалар, педагогика олий таълим муассасалари талабалари учун дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий мажмуаларни ишлаб чиқиш, бошланғич синф ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашда бадиий ижоднинг инновацион технологияларини қўллашга доир тадқиқот натижалари асосида:

бошланғич синф тасвирий санъат ва мусиқа дарсларида арт-педагогик технологияларни қўллаш жараёнининг ўзига хослигини аниқлаштириш, бадиий-эстетик тафаккурни ривожлантиришда субъект-субъект муносабатлари билан индивидуал танлов эркинлигининг ўзаро қайта алоқага киришув даражаси барқарорлиги муҳимлигини асослашга доир тақлифлардан 5111700 – Бошланғич таълим бакалавриат йўналиши Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 89-03-2785-сонли маълумотномаси). Натижада, бу бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг арт-педагогик компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилган;

арт-педагогика воситасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни эстетик, ҳиссий ва ижодий ривожлантириш жараёнлари, мусиқатерапия, рақстерапия, изотерапия, қўғирчоқтерапия, эртактерапиянинг тарбиявий таъсир кўрсатиш натижавийлиги дидактоген омилларни ҳисобга олиш билан ҳам боғлиқлигини асослаш, санъат туркумига кирувчи фанларни ўқитишда арт-педагогик технологияларни қўллашнинг педагогик моделини такомиллаштиришга доир амалий тақлиф ва тавсиялардан ПЗ-2017-0927124 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» (2017–2019 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда

фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 89-03-2785-сонли маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш жараёнида мактаб ва оиланинг арт-педагогик технологиялардан ҳамкорликда фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

комплекс ёндашув асосида ўқувчиларнинг эстетик тарбияланганлигини аниқлашнинг когнитив, кадриятли-йўналтирувчи, ижодий, фаолиятли мезонлари билан бадий-эстетикликнинг ривожланганлигини баҳолашнинг адаптив методикалари интернал алоқасини таъминлаш орқали бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбияланганлик даражасини баҳолашнинг диагностик тизимини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан MUZ-2015-0725140051 рақамли «Бошланғич синф ўқувчилари нутқини бойитишда инглизча-русча-ўзбекча фраземалар луғатини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш» (2016-2018 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 августдаги 89-03-2728-сонли маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларининг бадий ва мусиқий асарларни танлаш бўйича билим, кўникма ва малакалари, эстетик компетенцияларини шакллантириш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та (хорижий журналда 3 та, республика журналларида 8 та) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил қилади.

I БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШДА БАДИИЙ ИЖОДНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ИЛМИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1 Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашнинг мақсад, вазифа ҳамда хусусиятлари

Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш, уларни миллий ва жаҳон бадиий қадриятлари билан таништириш жамиятнинг давлат моҳиятига эга ижтимоий буюртмаси ҳисобланади.

Шахсни маънавий шакллантириш тарбиянинг долзарб муаммоларидан биридир. Ушбу жараён ахлоқий, эстетик, меҳнат ва бошқа тарбия турлари орқали ҳар томонлама (комплекс) амалга оширилади. Эстетик таълим шахснинг нафақат эстетик фазилатларини, балки, умуман, индивидуал фазилатларини шакллантиришни назарда тутганлиги сабабли эстетик тарбия таълим тизимида муҳим ўрин тутди.

Эстетика ҳаётнинг барча жабҳаларида: санъатда, мусиқада, адабиётда, мактаб ва кундалик ҳаётда гўзалликни ҳис қилишга ёрдам беради. Эстетик таълим гўзалликни билиш, унга эргашиш ва гўзалликни яратишга ёрдам беради. Эстетик тарбия одамларнинг ҳаётини ўзгартиради, уни ёрқин ранглар, ижобий ҳис-туйғулар билан тўлдиради, шунинг учун эстетик тарбия онтогенезнинг (кетма-кет ўзгаришлар) бошланғич босқичида мактаб ўқувчиларида шаклланиши керак. Эстетик тарбия санъат билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли унинг мазмуни ёш ўқувчиларни ижоднинг ранг-баранг ҳолатлари билан таништиришга йўналтирилиши керак. Шунинг учун

хам ўзбек тили, адабиёт, мусиқа ва тасвирий санъат фанлари мактаб ўқув режасида асосий ўрин эгаллайди. Шахснинг эстетик маданияти ва эстетик тарбияси муаммоси оила ҳамда мактаб каби тарбия жабҳаларининг олдида турган устувор йўналишлардан биридир.

Ўзаллик меҳнат иштиёқини уйғотади, одамлар орасида ижобий муносабатларни ривожлантиради. Ушбу муаммо Б.Т.Лихачев [111;112], Б.М.Неменский [124], Ю.С.Любимова [29; 30; 115; 116], В.В.Буткевич [12; 61], А.Гусак [17], Н.В.Топилина[41]ларнинг тадқиқот ишларида очиб берилган. Ушбу олимларнинг фикрича, эстетик тарбия шахснинг ҳиссий ва интеллектуал соҳаларини шакллантиришга, жамиятда хулқ-атвори ривожлантиришга ва унинг ташқи дунё билан ўзаро муносабатларини яхшилашга ҳисса қўшади. Санъат ўзининг барча турлари билан шахсга эстетик таъсир кўрсатадиган универсал восита саналади, ўқувчиларнинг эстетик тарбиясида бадиий тарбия ва ривожлантиришга устуворлик берилади.

Ўзбек олими п.ф.н., доцент Н.С.Киямовнинг фикрича, «музикий билимларнинг шахс онгида идрок этилиши унинг ҳиссиётини қўзғайдиган, инсонда ҳузур-ҳаловат, қувонч ва ғамгинлик каби ҳис-туйғуларни пайдо қиладиган ҳолатдир». Биз унга қўшилган ҳолда нафақат ҳис туғуларни, балки инсонни ижод қилишга йўналтира оладиган таъсир кучига эгаллигини эътироф этамиз [94; 12-б.].

Педагоглар орасида эстетик ва бадиий тарбиянинг ўзаро ўхшашлиги тўғрисида нотўғри фикрлар мавжуд. Бу тушунчаларнинг моҳиятини аниқлаштиришга ҳаракат қиламиз. Ўқувчиларни бадиий тарбиялаш деганда, бадиий асарларни ҳис қилиш, тушуниш, севиш ва қадрлаш қобилиятини шакллантириш санъати, улардан завқланиш ва бадиий қадриятларни яратиш тушунилади. Бадиий таълим эса – ўқувчилар томонидан бадиий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш ҳамда санъат, бадиий ижод дунёқарашини шакллантириш жараёни ҳисобланади.

Шахснинг бадиий ривожланиши – санъатнинг маълум бир соҳасидаги қобилиятларни мақсадли шакллантиришдир.

Б.Т.Лихачевнинг таъкидлашича, «...бадиий тарбия болаларнинг санъатни ҳис қилиши, тушуниши, уни севиши ва кадрлаши, ундан завқланиши ва бадиий кадриятларни яратиш қобилиятини шакллантиришнинг мақсадли жараёни»дир. Санъат эстетик маданиятнинг бир қисмидир, чунки бадиий тарбия эстетиканинг муҳим, аҳамиятли бир қисми, аммо инсон фаолиятининг фақат битта соҳасини қамраб олади [111;52-б.].

Педагогика назариясида Б.Т.Лихачев ғоялари асосида эстетик тушунчалар шакланган бўлиб, умумтаълим мактабларида санъатни ўрганиш жараёни шу асосда ташкил этилади. Бу борадаги таянч тушунчаларга бадиий таълим ва бадиий ривожланишни киритишимиз мумкин.

Бадиий таълим – бу ўқувчилар томонидан бадиий билим, кўникма ва малакаларнинг мажмуини ўзлаштириш, санъат ва бадиий ижод соҳасида дунёқарашни шакллантириш жараёни ҳисобланади. Шахснинг бадиий ривожланиши – бу санъатнинг маълум бир соҳасидаги қобилиятларни мақсадли шакллантиришдир [61, 77-б.].

Эстетик таълим кенг маънога эга бўлиб, у бадиий ижодни ҳам, кундалик ҳаётнинг эстетикасини, хатти-ҳаракатларни, меҳнат ва муносабатларни ҳам қамраб олади. Эстетик тарбия бадиий таълимдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб, инсонни санъат учун эмас, балки унинг фаол эстетик ҳаёти учун ривожлантирувчи жараёндир. Кенг маънода эстетик тарбия деганда, воқеликка (борлиққа) инсонда эстетик муносабатни мақсадли шакллантириш тушунилади. Гўзаллик ва гўзаллик орқали тарбиялаш нафақат шахснинг эстетик-кадриятли йўналишларини шакллантиради, балки унинг ижод соҳасини, иш соҳасини, кундалик ҳаётини ва хатти-ҳаракатларидаги эстетик кадриятлари мазмуини ривожлантиради. Эстетик тарбияланганлик – эстетик тарбиянинг мақсади ва натижасидир. Бу маънавий маданиятнинг

таркибий қисми бўлган шахснинг эстетик маданиятини шакллантиришнинг сифат кўрсаткичи сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

«Эстетик тарбия» тушунчаси эстетик тарбия назариясида асосий категориялардан бири бўлиб, унга боғлиқ бўлган бир қатор тушунчаларни ўз ичига қамраб олади. Эстетик тарбия воситаларини аниқлашда, тадқиқотчилар фикрига кўра, у инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади ва қуйидагиларга: санъатнинг шахсга эстетик таъсир кўрсатишининг универсал воситаси сифатида; атроф-муҳитга; эстетик мулоқотга; когнитив, меҳнат, спорт, ўйин ва бошқа фаолият турларига эстетик таъсир кўрсатади. Эстетик тарбияда бадиий тарбия, таълим ва ривожланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Илмий-педагогик адабиётларда ўқувчиларни эстетик тарбиялашнинг моҳияти, асосан, «жамиятнинг эстетик маданиятини шахснинг эстетик маданияти даражасига «йўналтириш» (ва ўзига хос шахс маданияти билан жамиятни қайта бойитиш жараёни), эстетик ҳодисаларни ҳаётда, табиатда, санъатда эстетик идеал нуқтаи назаридан, эстетик ҳақиқатни яратишда иштирок этиш, идрок этиш ва баҳолашга қодир ижодий фаол шахсни шакллантириш жараёни сифатида қаралади» [10].

В.В.Буткевич ва Ю.С.Любимоваларнинг фикрига кўра, «эстетик тарбия» тушунчаси ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мақсадга йўналтирилган ўзаро ҳамкорлик жараёни сифатида белгиланади ва у эмоционал баҳоловчи ижодий фаол шахсни шакллантиради ҳамда санъатдаги, табиатдаги, атроф оламдаги, кишилар ҳаётидаги гўзалликни тушуниш, англаш, идрок этиш, баҳолаш ҳиссиётларини шакллантиришни англатади [12; 12-б.].

Шу ўринда бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш мазмунига назар солганимизда, бошланғич эстетик билимларни қарор топтириш, ҳиссий-эмоционал идрок ва эстетик қобилиятларни ривожлантириш бўйича педагогик фаолият муҳим эканлигини таъкидлаш жоиз [30; 115.].

Бошланғич синф ўқувчиларини яхлит ўқув жараёнида эстетик тарбиялаш катта аҳамиятга эга, чунки айнан шу ёшда боланинг эмоционал –

ҳиссий ривожланиши содир бўлади ҳамда у ташқи дунёни англаб етади ва одамлар билан мулоқотга киришади.

Шахснинг энг қизгин эстетик ривожланиши мактаб ёшида содир бўлади. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг ҳар бир ёш гуруҳлари учун эстетик ривожланишнинг маълум босқичларида физиологик ва индивидуал – психологик хусусиятлар хос, шунингдек, у етакчи ва эстетик фаолиятнинг ўзаро боғлиқлигини тақозо этади.

Педагог олим С.С.Булатов «Бадиий таҳлил тамойиллари» (Тасвирий, амалий ва меъморчилик санъат асарлари мисолида) монографиясида Тасвирий санъат асарларини томоша қилар экансиз, улар унсиз сўзлайди. Уларда бир дунё маънолар яширинганлигига гувоҳ бўласиз. Лекин уларни ўқиш ва англаш учун инсон бадиий эстетик маълумотга эга бўлиши керак. Асарларни таҳлил қилиш маълум мезонлар асосида амалга оширилади. Чунончи, Исфаҳон миниатюра мактабига мансуб «Анор ушлаган ўсмир» асари ўзига хос маъно ва мазмунга эга. Ҳақиқатдан ҳам инсоннинг руҳий олами расмга қизиқтира бошлаши манзаралар билан бойитилган расмлар, чизиқларга эътибор қаратилган расмларни яратишга олиб келган [13; 21-б.]. Психологик ва педагогик адабиётларда эстетик тарбия муаммосининг турли жиҳатлари етарлича ёритилган. Бола шахсининг умумий ривожланиши ва эстетик тарбиясининг психологик асосларига бағишланган масалалар Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн [66; 107; 139] болалик психологияси, ҳиссиётлар ва мусиқий қобилиятлар назарияси В.К.Виллюнас, Д.Б.Богоявленская, А.Л.Венгер, О.А.Карабанова, Д.К.Кирнарская, А.В.Тороповая асарларида кўриб чиқилган [15; 59; 63; 93; 95; 148]. А.В.Анисимов, О.А.Горбунова, А.А.Лёвина, Т.И.Пагути, Ю.Л.Поспелова, Н.Н.Семёнова, Н.Ю.Сергеева, О.П.Котиковаларнинг тадқиқотларида бошланғич синфларда эстетик тарбия муаммолари ўз аксини топган [8; 16; 27; 33; 35; 38; 39; 98].

Мактаб таълимида эстетик тарбия тушунчаси эстетик ривожланишни ўз ичига олади – болада эстетик идрок, сезгирлик, ижодий тасаввур, ҳиссий тажриба, ҳаёлий тафаккур, маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, табиий мойилликни шакллантиришнинг йўналтирилган жараёнидир.

Юқоридаги масалаларни ўрганиб чиқиш натижасида шуни аниқладикки, педагогикада болаларни эстетик тарбиялашга қаратилган бир қатор ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд экан. Болаларни эстетик тарбиялаш вазифалари, асосан, тасвирий санъат, мусиқа, адабиёт дарсларида яқка тартибда, бадиий билимларнинг индивидуал муаммолари, мактаб ўқувчиларида шахсий ривожланишига ҳисса қўшадиган бадиий-эстетик таълимнинг янги замонавий технологияларидан кам фойдаланилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Эстетик тарбия шахснинг ёш ривожланишининг барча босқичларида амалга оширилади. Бу мақсад эстетик таъсир доирасига қанчалик тез тушса, унинг самарадорлигига умид қилиш учун сабаб бўлади. Шахс ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг энг қулай пайти бошланғич синф ёши ҳисобланади.

Бошланғич синф ўқувчилар шахсини шакллантириш ва ижтимоийлаштиришнинг энг муҳим босқичи бўлиб, у боланинг дунёни билиши, мустақил фикрлаши, қизиқиши ҳамда қизиқувчанлигини ривожлантириш билан тавсифланади [140].

Айнан шу ёш даври бадиий дид, эстетик идеал, эстетик тажриба, гўзаллик ва уйғунликни ҳис қилиш, кўриш ва эстетик баҳо бериш каби фазилатларни ривожлантиришни педагогик қўллаб-қувватлаш орқали эстетик тарбиянинг асосларини шакллантириш учун қулай давр саналади. Эстетик тарбиянинг мактаб даври ёш ўқувчи шахсининг эстетик ривожланиш динамикасини таъминлайди, шунингдек, бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиши нафақат миқдорий ўзгаришларнинг натижаси, балки унинг ички дунёсини ҳам муҳим сифат жиҳатдан қайта қуришдир [132].

Маълумки, бошланғич синф ўқувчиларининг ёшида етакчи ролни когнитив фаолият ўйнайди, бундай даврда болалар дунё тўғрисидаги асосий билимларни: атрофдаги нарсалар, одамлар, инсон фаолияти, маданияти тўғрисидаги маълумотларни интенсив тўплаб оладилар. Ушбу даврда уларнинг эстетик-бадий ҳодисалар ҳақидаги билимлари шаклланади. Бошланғич синф ўқувчилари ўзида тўпланган эстетик тажриба ва таассуротларини, бадий-ижодий фаолиятини, иждодий салоҳиятини ривожлантиришга, улар ўртасидаги ҳиссий алоқаларни ўрнатишга йўналтиради.

Бошланғич синф ўқувчиларида ўқув жараёнида инсонпарварлаштириш ва болани дунёнинг ажралмас қисми (маданият, табиат, тарих ва бошқалар) эканлигини англашга қаратилган. Тарбия жараёнининг стратегик мақсади – болани умумбашарий маънавий кадриятлар: шахс, ўзи ва умуман, инсоният; табиат; техноген дунё; маданият (санъат) билан таништириш орқали шахс маданиятнинг асосларини шакллантириш ҳисобланади. Зеро, бошланғич синф ўқувчилар учун дунёни фаол билиш истагининг ривожланиш босқичи ҳисобланади. Дунёни англаш жараёнида улар кўрган нарса, ҳодисалар тўғрисида таассуротлар захирасига эга бўлади. Шахсни тарбиялашнинг психологик назариясининг етакчи вакиллари Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн томонидан билдирилган кўрсатмаларга кўра [66; 107; 140], бошланғич синф ёшидаги болалар етарлича бой ҳиссий тажрибага эга, уларда аниқ ҳиссиёт, санъатни эстетик идрок қилишга мойиллик мавжуд. Улар биринчи ва иккинчи сигнал тизимлари алоқадорлигини кучайтириб, сенсор режалари тизимини муваффақиятли ишлатишни бошлайдилар. Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш – бу ҳар томонлама ва баркамол шахс ривожланишининг ажралмас қисми бўлиб, турли соҳаларда ўзини иждодий ифода этадиган мураккаб ва кўп қиррали жараён (Б.Т.Лихачев) саналади, бошланғич синф ўқувчисининг эстетик ва шахсий хусусиятларининг табиий ўзгаришини ўз ичига олади.

Бошланғич синф ўқувчиларнинг энг кўп эстетик онг асосларини шакллантириш даври саналади (О.П.Котикова). Шу билан бирга, замонавий изланишларга кўра (Д.Б.Богоявленская, Б.М.Неменский, Н.И.Пьянков, О.А.Карабанова), бу даврда ўқувчиларнинг тасвирий фаолият ва бадиий ижодга қизиқишини шакллантиришнинг физиологик ва психологик асосларига замин тайёрлайди ҳамда бу тасвирий санъат дарсларининг бошланғич синф ўқувчиларини самарали эстетик тарбиялаш шакли сифатида қараш имконини беради.

Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш бошланғич эстетик тасаввурлар ва тушунчаларни хиссий образлар асосида ўзлаштиришни, шунингдек, эстетик тарбиялаш жараёнида борлиқ объект ва ҳодисалари, санъат асарларини кўп маротаба бошдан кечиришни тақозо қилади. Шу асосда болаларда бошланғич эстетик билим, ҳиссиёт ва туйғулар; эҳтиёжлар, қизиқишлар ва мойилликлар; эстетик дид ва ижодий фаолият қобилияти, эстетик хатти-ҳаракатлар шаклланиб боради.

Бошланғич синф ўқувчиларни эстетик тарбиялаш ўзига хос давр ҳисобланади ва бунда бош ролни мактаб ўқитувчиси бажаради. Мохир ўқитувчилар ундан фойдаланиб, нафақат эстетик жиҳатдан ривожланган шахснинг мустаҳкам пойдеворини яратади, балки эстетик тарбиялаш орқали шахснинг ҳақиқий дунёқарашини шакллантиради, чунки айнан шу ёшда боланинг дунёга муносабати шаклланиб, келажакдаги асосий эстетик фазилатлари ривожланади.

Шундай қилиб, бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш – бу ўқувчиларнинг эстетик онг ва эстетик фаолият асосларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш жараёни бўлиб, бу бола шахсининг гўзалликни идрок этиш ва ҳис қилиш қобилиятидан «гўзаллик қонунларига кўра» яратиш қобилиятига ўтишига ҳисса қўшади.

Бизнинг тадқиқот ишимизда ушбу ҳодиса мактабнинг ўқув жараёнида гуманитар ва эстетик туркум дарсларида амалга ошириладиган санъат

воситасида боланинг ички дунёсига мақсадли ва уюшган ҳолда таъсир кўрсатиш жараёни сифатида қаралади.

Эстетик тарбия жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий салоҳиятини ривожлантириш муаммосини ўрганган О.П.Котикова таъкидлаганидек, «бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашнинг устувор йўналиши уларнинг ижодий потенциалини ривожлантириш ҳисобланади. Санъат соҳасидаги маълум билимларни ўзлаштиришда ҳиссий соҳанинг ривожланиши, шунингдек, эстетик онгни ривожлантириш бадиий-ижодий фаолият жараёнида энг самарали ҳисобланади» [98; 13-б].

Умумий таълим муассасаларида замонавий таълим шароитида ривожлантириш ва тарбиялаш жараёнлари ҳар бир ўқувчини ҳар хил фаолият турларига жалб қилинишини таъминлайди, уларнинг амалга оширилиши боланинг эстетик фазилатлари самарадорлигини белгилайди.

Шахс маданияти умуминсоний қадриятларнинг асосий манбаи (гўзаллик, эзгулик, ҳақиқат) ва ҳаёт воситалари (воқелик ҳақидаги ғоялар, дунёга фаол таъсир кўрсатиш усуллари, содир бўлаётган нарсаларга ҳиссий баҳо беришнинг намоён бўлиши) саналади. Шахснинг таянч маданияти – бу инсондаги инсонийлик тамойили, оламга ҳиссий баҳо, эстетик муносабатни шакллантириш ва намоён қилиш шартидир.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбия тизими бошланғич синф ўқувчиларининг ёшга боғлиқ психологик-педагогик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошланғич умумий таълимнинг асосий ўқув дастурига киритилган.

Таълимнинг ушбу йўналиши бошланғич синф ўқувчиларининг ёшига мос келадиган турли хил тадбирлар орқали дунёга ижодий, бадиий-ижодий муносабат моделини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Бошланғич синф ўқувчилари учун қўшимча таълимнинг асоси бўлган ижодий фаолиятни энг самарали деб таъкидлаш мумкин, чунки санъат, амалий ижод ва мусиқа ёрдамида дунёга ўз муносабатини билдириш

қобилияти ҳамда имкониятига эга бўлган бола ўзини уйғунлаштиради, ўзининг ўзига хос индивидуал дунёсини яратади, англайди, тўлиқ ҳуқуқли шахс сифатида фаоллашади.

Оламга эстетик муносабатнинг энг ёрқин, қулай модели бу санъатдир, унда дунёни билиш жараёни, эстетик тушуниш ва унга бўлган муносабатни шахсан ифода этиш жараёни бир-бирига боғлиқдир.

Аниқроқ қилиб айтганда, индивиднинг уйғун ахлоқий-эстетик ривожланиш эталони – бу гўзалликни кўриш, эшитиш, англаш, идрок қилиш ва қайта ўзидай тасвирламоқни англатади. Гўзаллик вояга етмаганларнинг бадий-эстетик дидини шакллантиришга ёрдам беради, инъикос тафаккурини ривожлантиради. Бошланғич синф ўқувчиларининг истеъдод ва қобилиятларини мақсадга йўналтирилган, педагогик жиҳатдан тўғри ташкиллаштирилган бадий-эстетик таълим ва тарбия жараёнларида намоён бўлади [17; 75-б].

Ушбу мақсадни умумий таълим муассасасининг таълим-тарбия маконида амалга ошириш жараёнида қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

ўқувчиларнинг бошланғич эстетик билимларни ва мотивацион соҳасини ташкил этадиган таассуротларни ўзлаштириш;

олинган билимлар асосида атрофдаги воқеликни бадий-эстетик идрок этиш қобилиятини ривожлантириш;

эстетик идрокни, гўзалликларни атроф-муҳитда, санъатда идрок этиш қобилиятини ривожлантириш. Бундай ривожланиш ўқувчиларда эстетик туйғуларнинг уйғонишида, гўзалликка жавоб бериш қобилиятида намоён бўлади;

эстетик ижодий қобилиятларни шакллантириш, бадий маданият ва эстетик дидни ривожлантириш;

эстетик дидни, гўзалликни баҳолаш қобилиятини тарбиялаш;

инсоннинг гўзалликни ҳимоя қилиш бўйича фаол ҳаракатларини ўз ичига олган воқеликка эстетик муносабатни тарбиялаш. Бу вазифа нафақат эстетик тарбиялаш муаммоси, балки ахлоқий масаладир. Ўқувчилар эстетик

хулқ асосларини билишлари керак. Ўқитувчи нафақат санъат объектларини визуал равишда тасвирлабгина қолмай, балки ўқувчиларга шундай «энг яхши асарларни» яратишга шароит яратиб бериши лозим. Бу ўқувчиларга санъатни ва унинг ривожланишига ёрдам берадиганларни кадрлашни ўрганишга ёрдам беради [92].

Эстетик тарбиянинг асосий вазифалари:

эстетик идрокни, гўзалликни атроф-муҳитда, санъатда идрок этиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш ҳисобланади. Бу ўқувчиларда эстетик туйғуларнинг уйғонишида, гўзалликка жавоб қайтариш қобилиятида намоён бўлади. Гўзалликка дуч келган одамда ундан ҳайратда қолиш, хафа бўлиш, севги ва нафрат, меҳр ва жирканиш ҳисси ҳамда қувонч ҳисси пайдо бўлиши мумкин. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларнинг табиат ва санъатга нисбатан сезгир бўлиш қобилиятини шакллантиришдан иборат;

Эстетик дидни, гўзалликни баҳолаш қобилиятини тарбиялаш. Ўқитувчининг роли: нафақат гўзаллик ҳақида аниқ, пухта ўйланган, анъанавий ғояларни шакллантириш, балки турли тарихий даврларда турли одамларнинг эстетик дидини ва замондошларнинг эстетик дидини ўзлари билан қандай боғлашни ўргатиш;

Инсоннинг гўзалликни ҳимоя қилиш бўйича фаол ҳаракатларини ўз ичига олган воқеликка эстетик муносабатни тарбиялаш. Бу вазифа нафақат эстетик тарбия муаммоси, балки ахлоқий масаладир. Ўқувчилар эстетик хулқ асосларини билишлари керак. Ўқитувчи санъат объектларини визуал равишда тасвирлабгина қолмай, балки ўқувчиларнинг ўзларини бундай «шоҳ асарларни» яратишга ҳаракат қилишга ўргатишидан иборат. Бу ўқувчиларга санъатни ва унинг ривожланишига ёрдам берувчиларни кадрлашни ўрганишга ёрдам беради.

Эстетик таълим назариясида асосий ўзгартирувчи омил болаларнинг эстетик шаклланишида ўз-ўзидан ривожланиши билан боғлиқ уюштирилган педагогик таъсир тушунилади. Махсус ташкил этилган ўқув макони орқали

мактаб ўқувчиларининг мақсадли жалб қилиниши болаларнинг турли хил ижодий, бадиий фаолиятини таъминлайди ва уларнинг табиий кучларини мақбул равишда ривожлантиради, эстетик ҳодисаларни чуқур англашни, ҳақиқий санъат ва ҳақиқий гўзалликни англашга имкон беради. Шундай қилиб, болаларни эстетик тарбиялаш ва ривожлантириш фақат таълим маконининг яхлитлиги шарти билан амалга оширилади [116].

Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик, ижодий тарбиялаш тизимида «санъат»га оид фанларга алоҳида ўрин берилади. Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашда асосий роль адабий ўқиш, тасвирий санъат ва мусика каби фанларга берилади, чунки улар кичик ёшдаги ўқувчилар орасида эстетик ғояларни шакллантиришда, уларнинг бадиий меъёрлар, воқеликка ва ижодга эстетик муносабатда бўлишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Эстетик тарбия ёш ўқувчиларга ҳар бир фаннинг ижобий томонларини аниқлашга, унинг аҳамиятини тушунишга ва мавзунини севишга ёрдам беради [153].

Атрофимиздаги оламнинг гўзаллигини кўриш ва англаш қобилияти, туйғу маданиятини, бадиий-эстетик дидни, меҳнат ва ижодий фаолиятни ривожлантиришга ёрдам беради, қатъиятлилик, ўзаро ёрдам туйғусини ривожлантиради ва шахснинг ижодий ўзини ўзи англашига имкон яратади.

Умумий ўрта таълим муассасасининг ўқув режасига мувофиқ амалга ошириладиган дарсдан ташқари машғулотлар, факультатив курслар, ўқув гуруҳлари ва экскурсия тадбирлари дастурлари билан ифодаланиши мумкин. Ёш ўқувчиларни эстетик тарбиялаш учун педагогик шарт-шароитларни яратиш муҳимдир [111].

Бошланғич синф ўқувчилари эстетик тарбиясида таълим маконини яратишнинг яхлит алгоритми қуйидаги босқичлардан иборат.

Биринчи босқич: эстетик эҳтиёжларни аниқлаш. Ушбу босқичда умумий ўрта таълим муассасасида болаларга эстетик тарбия берилиши керак, бунда гўзаллик олами билан амалий танишиш, гўзаллик олами ва янги

эстетик эҳтиёжлар боланинг эстетик ривожланишининг асл, ҳақиқий даражаси ўртасидаги ички зиддиятларни келтириб чиқаради.

Иккинчи босқич: эстетик идрокни ривожлантириш. Ушбу босқич болаларда атроф-муҳит гўзаллигини идрок этишнинг ҳиссий резонанси орқали қайта алоқага қаратилган. Бу даврда болаларда илк эстетик хис-туйғулар пайдо бўлади, санъат, табиат ҳодисалари, жамиятдаги жараёнлар, одамларнинг ҳаёти ва хулқ-атвори ҳақидаги биринчи мустақил фикр ва мулоҳазалар шаклланади.

Учинчи босқич: эстетик ғоялар, тушунчалар, қарашлар, баҳолашлар, мулоҳазалар ва дидларнинг ривожланишидир. Дастлабки асос – бола гўзаллик олами ҳақидаги билим ва ғояларини тўлдиради, кенгайтиради, бойитади, сўз ва ибораларини шакллантиради, ҳодисалар, нарсаларга ўз муносабатини аниқлаштиради.

Тўртинчи босқич: ижодий эстетик қобилиятларни ривожлантириш. Бошланғич синф ёшида тасаввур, идрок қилиш, ижодий фикрлаш, қизиқувчанликни фаол ривожлантириш, фаолиятни кузатиш, таққослаш ва танқидий баҳолаш қобилиятлари шаклланади. Боланинг гўзалликка бўлган эҳтиёжи, уйғунлик ва тартиблиликка интилиши содир бўлади.

Умумий ўрта таълим муассасаси шароитида эстетик тарбиялаш бўйича ишларни педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этиш натижасида болаларда эстетик компетенциялар шакллантирилади.

Эстетик компетенциялар орқали бола атроф-оламдаги гўзалликнинг тасвирлари ва намоёнликларини етарлича идрок этади, ўрганилган ва кузатилаётган жараёнлар, ҳодисаларнинг эстетик қийматини баҳолайди.

Шуни таъкидлаш керакки, бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбияси кўп қиррали ва кўп тузилмавий жараён бўлиб, вақт ва макон чегаралари билан тартибга солинмайди ва ҳар бир бола учун у индивидуалдир. Тарбиялаш жараёни ҳар доим ўқитувчининг ижодий

қобилияти, ўзини намоён қилиши ва профессионаллиги билан боғлиқ, у (ўқитувчи) болани гўзаллик дунёсига етаклайди.

Шундай қилиб, биз қуйидагича хулосалар қилишимиз мумкин:

эстетик тарбиянинг асосий моҳияти бошланғич синф ёшидаги болаларда ҳам санъатда, ҳам ҳаётда гўзалликни идрок этиш ва англаш қобилиятини шакллантириш, эстетик меъёрларни шакллантириш, ижодкорликни ривожлантиришдан иборат;

бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашнинг моҳияти – бадий асарлар ва ҳаётдаги гўзалликни идрок этиш, тўғри тушуниш, уларнинг эстетик тушунча, дид ва идеалларини ривожлантириш, шунингдек, санъатда ижодий мойиллик ва истеъдод намуналарини ривожлантиришга қаратилган турли бадий-эстетик тадбирларни ташкил этишдан иборат.

1.2. Арт-педагогика ва арт-терапияни ривожлантиришда

ўқувчиларнинг ижодий имкониятлари

Дунёда бугун жадал содир бўлаётган интеграцион (бирлаштириш) жараёнлар ва касбий алоқаларнинг кучайиши шароитида мамлакатимизда арттерапиянинг ривожланишини арт-терапевтик фаолиятнинг асосий тамойиллари ва мазмуни, унинг умумий қабул қилинган таърифига мос келадиган аниқ таърифсиз тасаввур қилиш қийин.

Арт-терапияда даволаш – коррекциялаш таъсирининг энг муҳим омилларидан бири бўлиб, тасвирий фаолият ҳамда мижоз ва мутахассис (арттерапевт)нинг психотерапевтик муносабатлари, қайта алоқалари олдинга чиқади.

Ҳозирги кунда махсус таълим амалиётида «арт-терапия» ва «арт-педагогика» каби атамалардан кенг фойдаланилмоқда.

Ушбу атамаларнинг ўхшашлигини фақат тушунчаларнинг биринчи қисмида кўриш мумкин – арт – «бадий», «санъат» сўзининг синоними. Иккинчи қисм эса фарқни аниқлайди: терапия-тиббиёт йўналиши, даволаш таъсири; педагогика илмий билимлар, ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш

фанидир, махсус таълимда эса – коррекциялаш. Демак, тушунчанинг иккинчи қисми турли йўналишлар, мақсадлар, вазифалар, технологиялар ва моҳиятларни акс эттиради.

Бироқ, «арт-педагогика» атамасининг мазмуни ҳали тўлиқ аниқлаштирилмаган. «Арт-психология» ва «арт-терапия» атамалари ҳам турлича талқин қилинади.

«Бадий тарбия» ибораси қадимдан маълум бўлган ва жуда кенг тарқалган, аммо педагогикада «арт-педагогика», «арт-терапия» ва «арт-психология» тушунчалари яқиндан бошлаб ишлатила бошланди. Ушбу тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлиги, уларнинг ҳар бирининг илмий тафаккур ва педагогикадаги ўрни ва ролини аниқлаш масаласи бугунги кунгача етарлича ўрганилмаган. Бадий педагогика (бадий таълим ва тарбия)нинг арт-педагогика билан ўзаро боғлиқлиги, унинг усуллари, мақсадлари ва вазифалари эътибордан четда қолиб келмоқда. Натижада педагогик амалиётда уларнинг аҳамиятини аниқлаш учун арт-педагогика ва арт-терапия бўйича тадқиқотларни чуқур таҳлил қилиш зарурати туғилади.

Замонавий илмий муомалада арт-педагогика педагогика фанининг инсон таълим ва тарбияси қонуниятларини санъат (нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам) воситасида ўрганувчи янги, мустақил соҳаси тушунилади.

«Арт-педагогика» тушунчаси «арт» ва «педагогика» сўзларидан иборат. «Арт» ўзбек тилига «санъат» деб таржима қилинган (лотин - **ars**, инглиз ва французча - **art**, италянча - **arte**). Бундан ташқари, инглизча сўзлашадиган мамлакатларда «арт» деганда, фақат тасвирий санъат (рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика ва бошқалар) тушунилади, дунёнинг аксарият мамлакатларида «арт» нафақат тасвирий санъат, балки мусиқа, адабиёт, шеърят, шунингдек, сахна ва экран санъати, театр ва бошқа маъноларни ҳам англатади.

Бизнинг фикримизча, «арт» тушунчаси мазмунига бадий-ижодий фаолиятнинг ҳақиқий шакллари акс эттирувчи санъатнинг барча турлари

киради, улар, асосан, бадий моҳиятни (бадий маълумот) ўзида мужассам этганлиги билан ажралиб туради.

Арт-педагогикани тадқиқотчилар турлича изоҳлашади: Л.А.Аметова-Давыдовская уни «арт-терапевтик педагогика» деб атаиди [49]; В.П.Анисимов уни «эстетик педагогика» ёки «санъат психопедагогикаси» деб таърифлайди [8]; О.С.Булатова «арт-педагогик ёндашув» ҳақида гапиради [11].

Масалан, Л.А.Аметова-Давыдовскаянинг илмий асарларида ҳиссий тикланиш санъат асарлари таъсири остида инсоний ҳолатнинг уйғунлашуви сифатида кўриб чиқилади ва бу ҳодисани у арт-терапия деб атаиди [49].

В.П.Анисимов санъат психотехника усулларига эътиборни қаратиб, арт-педагогикани «бола ривожланишининг онтогенези ва санъатнинг юқори бадий меъёрларга мос келадиган тасвирий усуллар асосида тарбиялашнинг устувор қолипларига алтернативи сифатида кўриб чиқади» [11; 446-б].

Р.А.Верховодова, Р.А.Галустовларнинг фикрларига кўра, арт-педагогика санъатшунослик, санъат психологияси, меҳнат психологияси билан чамбарчас боғлиқ [14].

Фаннинг ушбу соҳаларидаги билимлар санъатнинг ривожланиш қонуниятлари, унинг инсон ва жамият ижтимоий, маънавий ҳаётидаги ўрни ҳақида тушунча беради, бу санъатнинг таълимий, когнитив ва тартибга солиш функцияларининг моҳиятини тушуниш учун зарурдир [65;17-б].

Бундай қоидаларсиз санъатнинг имкониятларини тушуниш ва улардан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш мумкин эмас. Арт-педагогика билан умумий ва ижтимоий педагогика, шунингдек, хусусий методлар ўртасида яқин боғлиқлик мавжуд.

Н.Ю.Сергееванинг докторлик диссертациясида арт-педагогиканинг илмий асослари, моҳияти, ўқув мақсадлари ва функционал имкониятлари кенг ёритилган. Арт-педагогика замонавий фанда мавжуд бўлган талқинлардан фарқли ўларок, бадий таълим, эстетик тарбия ва арт-терапевтик фаолият табиати, умумий қонуниятлари, тамойиллари,

механизмлари ва универсал усуллари, турли хил педагогик муаммоларни ҳал қилишда санъатни жалб қилиш йўлларини ўрганадиган педагогика фанининг янги, амалиётга йўналтирилган йўналиши сифатида қаралади [142; 15-б].

Бизнинг фикримизча, ушбу тушунчанинг энг аниқ ва батафсил тавсифини тадқиқотчилар Е.А.Медведева, И.Ю.Левченко, Л.Н.Комиссарова, Т.А.Добровольскаялар беришган. Уларнинг фикрига кўра, арт-педагогика (бадий педагогика) махсус таълимга нисбатан – бу педагогик жараёнлар назарияси ва амалиётини ривожлантиришни таъминлайдиган илмий билимларнинг (санъат ва педагогика) иккита соҳаси синтезидир, бу болаларнинг бадий ривожланиши, бадий-ижодий фаолият (музикий, тасвирий, бадий-нутқий, театрлашган ўйин) орқали бадий маданият асосларини шакллантириш жараёнидир [52].

«Арт-педагогика» тушунчаси «бадий таълим» атамасидан мазмунан кенгроқ. Арт-педагогика илмий билимлар соҳаси бўлиб, нафақат бадий таълимни, балки санъат ёрдамида коррекцион-ривожланиш жараёнининг барча таркибий қисмларини (ривожлантириш, тарбиялаш ва тузатиш), шунингдек, ривожланишида муаммоси бор боланинг бадий маданиятини шакллантириш асосларини кўриб чиқишга имкон беради.

«Арт-педагогика» тушунчаси «Арт-педагогик фаолият», «Арт-педагогик воситалар», «Арт-педагогик ўзаро таъсир», «Арт-педагогик жараён», «Арт-педагогик муҳит» билан чамбарчас боғлиқ.

Арт-педагогик фаолият – бу касбий ғоя ва мақсадларни санъат воситасида амалга ошириш учун тартибга солинган педагогик ҳаракатлар мажмуи бўлган касбий-педагогик фаолиятнинг мустақил тури саналади.

Арт-педагогик воситалар – санъат соҳаси билан боғлиқ бўлган турли хил ҳодисалар ва жараёнлар, инсонни дунёни англашнинг ўзига хос усули ва педагогик вазифалар (ўқувчиларнинг бадий асарлари, бадий тасвирлар, ўқув жараёни иштирокчиларининг ўз-ўзидан ва режалаштирилган бадий фаолияти) дир.

Арт-педагогик ўзаро таъсир – «ўқитувчи – таълим мазмуни – санъат воситаси – ўқувчи (талаба)» тизимида юзага келадиган ўзига хос алоқалар ва муносабатлар тўплами.

Арт-педагогик жараён – педагогик муаммоларни ҳал қилиш ва педагогик ғояларни амалга ошириш учун санъатнинг ажралмас қисми бўлган педагогик жараён.

Арт-педагогик муҳит – арт-педагогик фаолиятнинг мақсадлари, вазифалари, тамойилларига мувофиқ тартибга солинган таълим соҳасининг бир қисми.

Арт-педагогик кўллаб-қувватлаш – бу арт-педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш ва шахсни шакллантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида ўқув жараёнига интеграциялашган ҳаракатларнинг мослашувчан тизими.

Арт-педагогиканинг моҳияти ногиронлиги бор ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш, санъат воситасида ривожлантириш, уларнинг бадиий маданият асосларини шакллантириш ва бадиий фаолиятнинг ҳар хил турларида амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Арт-педагогиканинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

маданиятшунослик (шахснинг маданият билан қадриятлар тизими сифатида объектив алоқаси, инсоннинг бадиий маданият асосида ривожланиши, унинг яратувчиси бўлиши);

таълимий (шахсни ривожлантириш ва санъат орқали воқеликни ўзлаштириш, бадиий-ижодий фаолиятда санъат соҳасидаги билим ва амалий кўникмаларни эгаллашни таъминлаш);

тарбиявий (шахснинг маънавий-эстетик, коммуникатив-рефлексив асосларини шакллантириш ва санъат ёрдамида унинг ижтимоий-маданий мослашувига ҳисса қўшиш);

коррекцион (ривожланишда нуқсонларнинг олдини олиш, тузатиш ва ўрнини тўлдириш).

Булардан ташқари, арт-педагогика қуйидаги вазифаларни ҳам амалга ошириш учун хизмат қилади:

1. Катарсистик – тозалаш, салбий ҳолатлардан озод қилиш.
2. Регулятив – нейрпсихик стрессларни олиб ташлаш, психосоматик жараёнларни тартибга солиш, ижобий психологик эмоционал ҳолатни моделлаштириш.
3. Коммуникатив-рефлексив – мулоқотдаги камчиликларни тузатиш, шахслараро хатти-ҳаракатларни шакллантириш, ўз-ўзини баҳолаш.

Арт-педагогиканинг асосий мақсади ривожланишида муаммолари мавжуд болаларни бадиий ривожлантириш ва бадиий маданият асосларини шакллантириш, санъат воситасида шахсни ижтимоий мослаштиришдан иборат.

Арт-педагогика – бу педагогиканинг мустақил фанлараро соҳаларидан бири бўлиб, у илмий билимларнинг уч йўналишига: психология, санъат ва педагогикага асосланади, бу ерда тарбия, таълим, шахсни ривожлантириш ва уни қайта тарбиялаш санъат воситасида амалга оширилади. Бунда артпедагогиканинг предмет майдони махсус касбга йўналтирилган санъат таълимидан (санъат студиялари, санъат мактаблари ва коллежлар мусиқийдан хореографияга қадар); бадиий (эстетик) тарбия ва арттерапиядан фарқи ҳақида гапиришга имкон беради. Таъкидлаганимиздек, «арт-педагогика» тушунчаси «бадиий тарбия» атамасидан кенгроқ мазмунга эга.

Арт-педагогика атамасини кенг маъноли «бадиий таълим» атамаси ёки тор маъноли «бадиий тарбия» атамаси билан алмаштириб бўлмайди, албатта.

Арт-педагогик фаолиятга педагогик вазифаларининг чуқурлиги ҳамда хилма-хиллиги хосдир, унинг моҳияти расм чизиш, кўшиқ айтиш ва ҳоказоларни ўрганиш билан чекланмайди. Масалан, бадиий материаллар билан ишлаш қобилияти катта эркинликка олиб келади, ривожланишга янги туртки беради, ўзини ифода этишни рағбатлантиради, бу глобал вазифадир. Арт-педагогикадан дунёни англашда санъат ва бадиий-ижодий фаолиятдан

болалар катталарнинг ижтимоийлашуви, ўзини ўзи ифода этиш, ўзини ўзи ривожлантириш ва ўзини ўзи билишнинг кучли воситаси сифатида фойдаланилади.

Арт-педагогика илмий билимлар соҳаси бўлиб, махсус таълим доирасида нафақат бадиий тарбиялашни, балки ривожланиш жараёнининг барча таркибий қисмларини (ривожлантириш, тарбиялаш, ўқитиш ва тузатиш) камраб олади ҳамда боланинг бадиий маданияти асосларини санъат воситасида шакллантиришга имкон беради. Юқорида таъкидланганидек, артпедагогикада урғу санъатни ўзлаштиришдан ўзининг (бошланғич синф ўқувчиси) рефлексив хис-туйғулари, кечинмалари, фикрлари, дунёга ва ўзига бўлган муносабатини акс эттиришнинг субъектив тажрибасига кўчирилади.

Арт-педагогиканинг афзалликлари:

бу барча ёш гуруҳларида тенг даражада самарали бўлиб, бу унинг таъсир доирасини акмеология соҳасигача кенгайтиради;

кўникма ва қобилиятларни эгаллашга, ҳиссий, сенсомоторли, ҳиссий-интеллектуал соҳалардаги камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради;

новербал мулоқот воситаси сифатида у етарлича яхши гапира олмайдиган, ўз тажрибаларини оғзаки тавсифлашда қийналадиган ўқувчи-ёшлар учун ёки, аксинча, оғзаки мулоқот билан ҳаддан ташқари боғлиқ бўлганлар учун жуда қадрли саналади;

ўз-ўзини эркин ифода этишга ёрдам беради, ишонч, юқори бағрикенглик ва инсоннинг ички дунёсига ижобий таъсир этади.

«Арт-терапия» атамаси нимани англатади? Психологларнинг асарларида берилган таърифларга кўра, арттерапия (**art therapy** – санъат орқали даволаниш) – бу беморларнинг ижоди орқали психокоррекция (бу ҳолда одам ижодий жараён давомида ҳиссий ҳолатини ифода эта олиши жуда муҳимдир)си, яъни психик жиҳатдан қайта даволаш тушунилади.

«Арт-терапия» тушунчаси (санъат терапияси) З.Фрейд ва К.Юнг ғоялари контекстида пайдо бўлган ва психотерапевтик амалиётда терапевтик таъсир усулларида бири сифатида кўриб чиқилган, бу бадиий (тасвирий)

ижод орқали руҳий касалларга расмларда ва яширин психологик травматик тажрибаларини ифодалашда ёрдам берган, шу тариқа уларнинг кўпчилиги руҳий касаллигидан озод бўлишган. Кейинчалик бу тушунча янада кенгрок концептуал асосни, шу жумладан, шахсни ривожлантиришнинг гармоник моделларини қамраб олади (С.Рожерс, А.Маслоу).

Психологик-педагогик ёрдамнинг мустақил соҳаси сифатида ривожланиб, арт-терапия психология, педагогика ва санъатшуносликдан илғор фундаментал назариялар ва амалий маълумотларни ўзлаштириб олади [66].

Ҳозирги вақтда арт-терапия тиббиёт, педагогика, маданиятшунослик, психология ва бошқа илмий фанларни бирлаштирган фанлараро билим соҳаси сифатида тушунилади. Унинг моҳияти санъатнинг субъектга терапевтик ва коррекцион таъсири ҳамда «бадий – ижодий фаолият» ёрдамида травматик вазиятни тиклашда намоён бўлади.

В.Л.Прокофьева фикрига кўра, арт-терапия изотерапияни ўз ичига қамраб олади. Зотан, изотерапия (тасвирий санъат ёрдамида даволовчи таъсир кўрсатиш: расм, моделлаштириш, декоратив санъат ва бошқалар орқали даволаш); библиотерапия (ўқиш орқали даволаш); тасвир терапияси (тасвир орқали даволаш, театрлаштириш орқали даволаш); мусиқа терапияси (мусиқани идрок этиш орқали даволаш); вокал терапияси (кўшиқ орқали даволаш); кинесотерапия (рақс, хореография, тузатувчи риторика орқали даволаш) ҳаракатлар орқали даволашни қамраб олади. [34; 112-б]. Бинобарин, санъатнинг барча турлари ва хиллари арт-терапия воситаси бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда «арт-терапия» тушунчаси бир нечта маънога эга: у даволаш ва коррекцияда ишлатиладиган санъат турларининг комбинацияси сифатида; арт-терапия усуллари мажмуаси сифатида; психотерапевтик ва психологик даволаш амалиётининг йўналиши сифатида; усул сифатида қаралади. У тиббиётда (психотерапияда, даволашда, жарроҳликда ва

бошқалар) ва психологияда (умумий, тиббий, махсус) қўлланилади. Арт-терапия инсонга турли санъат воситаларининг таъсири билан боғлиқ йўналиш сифатида ҳам мустақил, ҳам тиббий, ҳам педагогик ва бошқа воситалар билан биргаликда қўлланилади.

Арт-терапия соҳасида етакчи мутахассис И.А.Копитин уни «бемор (мижоз) томонидан турли хил тасвирий материаллардан фойдаланиш ва визуал тасвирларни яратиш, тасвирий санъат жараёни ва беморнинг (мижознинг) унинг ижодий фаолияти маҳсулотларига бўлган муносабати, ақлий ривожланиши, қобилиятлари, шахсий хусусиятлари, шунингдек, шахсий хусусиятларини акс эттирувчи терапевтик йўналиши, «манфаатлар, муаммолар ва тўқнашувлар» деб таърифлайди [100].

Сўнгги йилларда ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун махсус ўқув муассасаларида арт-терапия тобора кўпроқ коррекцион-ривожлантириш жараёнига киритилмоқда ва ижобий натижалар бермоқда.

Арт-терапияни ўрганиш ва унинг самарадорлигини намойиш этиш билан боғлиқ кўплаб илмий ишлар, жумладан, умумий, махсус психология соҳаларини интеграциялашнинг ижобий натижа бераётганлигини таъкидлашмоқда, бу унга (арттерапияга) янги илмий соҳа мақомини беради.

Санъат предметларини ўқитиш ўзига хос соғлиқни сақлаш таъсирига эга эканлиги тўғрисидаги фикрлар кенг тарқалмоқда. Бундай тушунча ўқитувчига тарбия ва таълимнинг гуманистик вазифаларини ҳал қилиш учун янги имкониятлар беради.

Бироқ мактабда гуманитар ва эстетик туркум фанларини ўқитиш амалиётида ҳозирги кунга қадар арт-педагогик усул ва технологиялар кам қўлланилмоқда.

Шу билан бирга, арт-педагогик методлар сўнгги йиллардаги баъзи педагогик тадқиқотларда одатий болалар билан ишлаш, уларнинг салбий ҳиссий ҳолатининг олдини олиш ва коррекциялаш, шахснинг эмоционал-иродавий соҳасини нормаллаштириш, ҳам маънавий, ҳам жисмоний тикланишига ҳисса қўшишга мослаштирилган.

Е.А.Медведева арт-терапияни илмий билимларнинг бир нечта соҳалари (санъат, тиббиёт ва психология) синтези сифатида, тиббий ва психологик даволаш амалиётида турли хил санъат турларини ўзига хос рамзий шаклда ишлатишга асосланган ва бадий-ижодий рағбатлантиришга имкон берадиган услубларнинг комбинацияси сифатида ҳамда психосоматик, психоэмоционал жараёнлар ва шахсий ривожланишдаги оғишишларни тузатишни кўриб чиқади [121].

Ҳозирги вақтда арт-терапия кенг маънода қуйидагиларни ўз ичига олади:

изотерапия – тасвирий санъат ёрдамида терапевтик таъсир: расм, моделлаштириш, декоратив санъат ва ҳ.к.;

библиотерапия – ифодали ўқишнинг терапевтик таъсири;

имаготерепия – тасвир, театрлаштириш орқали терапевтик таъсир;

музикий терапия – мусиқани идрок этиш орқали терапевтик таъсир;

вокал терапия – кўшиқ орқали даволашлар.

Изотерапия (тасвирий санъат ёрдамида даволаш: расм, моделлаштириш, декоратив-амалий санъат ва бошқалар); библиотерапия (ўқиш орқали даволаш);

тасвир терапияси (тасвир орқали даволаш, театрлаштириш);

музиқа терапияси (мусиқани идрок этиш орқали даволаш);

вокал терапияси (кўшиқ орқали даволаш);

кинесотерапия (рақс орқали, хореотерапия, тузатувчи ритм – ҳаракатлар билан даволаш) ва бошқалар.

Арт-терапияда асосий эътибор арт-педагогикадан фарқли ўларок билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга (музикий, визуал, театр-ўйин, бадий нутқ) қаратилмайди.

Арт-педагогика ва арт-терапия турли хил назарий асосларга эга, улар моҳияти, вазибалари, мазмуни ва технологиялари бўйича ҳам фарқланади. Шу билан бирга, иккала йўналиш махсус таълимда амалга оширилади,

ривожланишида муаммолари бўлган болага профилактика ва соғломлаштириш, даволаш ва адаптив таъсир кўрсатадиган коррекцион – ривожлантириш жараёнида бир-бирини тўлдиради.

Ривожланишда коррекцион – шахсий ва фаолиятга йўналтирилган ёндашувлар асосида арт-педагогика ва арт-терапия ягона мақсадга интилади – муаммолари бўлган болани баркамол ривожлантириш, санъат орқали унинг ижтимоий мослашуви имкониятларини кенгайтириш, микро ва макро муҳитда ижтимоий ва маданий тадбирларда иштирок этишини таъминлашдан иборат.

Арт-педагогика ва арт-терапия умумий назарий ва ташкилий масалаларни, шунингдек, ушбу йўналишларнинг ҳар бирига тегишли бўлган хусусий вазифаларни ҳал қилади.

Арт-педагогика ва арт-терапиянинг умумий илмий-назарий ва ташкилий вазифалари:

ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга коррекцион ёрдам берувчи тизимда санъат воситаларидан фойдаланишнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш;

санъат ва бадиий фаолият воситасида болалар ривожланишидаги турли хил оғишларни қоплаш имкониятлари ва усулларини илмий асослаш;

махсус ўқув муассасасида арт-педагогик ва арт-терапевтик ёндашувлардан фойдаланиш бўйича тўпланган барча тажрибаларни умумлаштириш ва уни махсус таълимни инсонпарварлаштириш муаммоларини ҳал этишга қаратилган янги илмий ва амалий тажриба билан бойитиш;

махсус таълим муассасаларида санъатдан фойдаланган ҳолда коррекция ишларини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш ва ушбу вазифани бажариш учун мутахассислар тайёрлаш.

Арт-педагогиканинг хусусий вазифалари:

ривожланишида турли хил оғишлари бўлган болаларда бадиий маданиятни шакллантиришнинг умумий ва хусусий ўзига хосликларини ўрганиш;

муаммолари бўлган болаларни бадиий ривожлантиришнинг коррекцион-йўналтирилган тизимини ишлаб чиқиш, бадиий маданият асосларини шакллантириш;

санъатдан фойдаланишнинг мазмуни ва коррекцион-ривожлантирувчи педагогик технологияларни ишлаб чиқиш, муаммолари бўлган болаларнинг баркамол ривожланишини таъминлаш;

санъат воситасида ривожланишида муаммолари бўлган боланинг потенциал имкониятларини фаоллаштириш, уларнинг турли хил бадиий фаолиятида (музикий, визуал, бадиий-нуткий, театрлаштирилган ўйин) ижодий намоён бўлиши;

санъат орқали болаларнинг билим ва ахборот эҳтиёжларини қондириш;

санъат ёрдамида ривожланишида муаммолари бўлган бола шахсининг ҳиссий-эстетик, ахлоқий, коммуникатив-рефлексив асосларининг ривожланишини таъминлаш;

санъат воситасида билиш фаолияти, ҳиссий-эстетик, моторли ва шахсий соҳаларидаги мавжуд оғишларнинг олдини олиш ва тузатиш;

санъат ва бадиий фаолият воситасида ривожланишида муаммолари бўлган болаларнинг ижтимоий-маданий мослашиши учун шароит яратиш.

Арт-терапиянинг алоҳида вазифалари:

мавжуд арт-терапия усулларини мослаштириш ва улардан ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга (эшитиш, кўриш, нутқ, мушак-ҳаракат аппарати, ақлий ривожланишдан ортда қолиш, ақли заифлик) психокоррекцион ёрдам кўрсатишда фойдаланиш;

махсус ўқув муассасасида болалар билан психокоррекция ишларида арт-терапияни қўллаш хусусиятларини аниқлаш ва самарадорлигини белгилаш;

болаларда ривожланишидаги нуқсонларни тузатишни таъминлайдиган арт-терапия технологияларини ишлаб чиқиш;

арт-терапия усуллари орқали боланинг шахси ривожланишидаги иккиламчи оғишларни тузатиш, маданий-маърифий маконда уйғунлаштириш ва ижтимоий мослаштириш.

1.3. Умумтаълим мактаби бошланғич синфларида арт-педагогик ва арт-терапевтик технологияларни қўллаш имкониятлари

Арт-педагогика – педагогикада алоҳида йўналиш бўлиб, у бола шахсини ўқитиш, ривожлантириш ва тарбиялашда санъат асарлари асосида амалга оширилади. Ушбу фан анъанавий таълим тизимининг услубларидан четга чиқиб, ўқитувчи, ўқувчи ва ота-оналарнинг бевосита ижодий ўзаро алоқаларини акс эттиради. Дастлаб арт-терапия ва арт-педагогика коррекцион педагогикага мос равишда ривожланган бўлишига қарамай, ҳар иккала йўналиш ҳам иқтидорли, соғлом ҳамда девиант тоифадаги болалар билан ишлашда қўлланилиши керак. Арт-педагогика ўрганишнинг ўз-ўзини ўрганишга, тарбиялашнинг ўз-ўзини тарбиялашга, ривожланишнинг ўз-ўзини ривожлантиришга интилишни шакллантиради.

Шу муносабат билан қўшимча таълим муассасаларида арт-терапия ёрдамида мактаб ўқувчиларининг ижодий индивидуаллигини ривожлантириш дастурини таклиф этган А.В.Гришинанинг фикрлари эътиборга лойиқдир. Дастур қўшимча таълим муассасаларида муваффақиятли амалга оширилмоқда ва муаллиф уни тасвирий санъат ўқитувчилари учун фойдаланишга тавсия қилади [69; 43-б].

Сўнгги йилларда таълим назарияси ва амалиётида янги терапевтик йўналишни ривожлантиришнинг долзарблиги кўрсатилган нашрлар пайдо бўла бошлади. Мактаб амалиётига хос бўлмаган «терапия» атамасидан фойдаланиш психологларнинг фикрига зид келмайди, аммо гуманистик

педагогиканинг асосий ғоясига мос келади: шахснинг ижодий салоҳияти ва унинг ривожланиши. Шу сабабли, клиник бўлмаган йўналишли, ўқитувчи томонидан осон ўзлаштирилиши мумкин бўлган, болалар билан ишлашда қизиқарли ва самарали бўлган ҳамда соғлиқни сақлашга хизмат қиладиган педагогик технологияларни излаш, мослаштириш ва ривожлантириш зарурати мавжуд.

Л.Д.Лебедеванинг таълимда арт-терапиядан фойдаланишнинг айрим масалаларига бағишланган ишланмалари ҳам эътиборга молик. Муаллиф «терапия» тушунчасини педагогиканинг терминологик аппаратида ўз шарҳини келтириб, уни нафақат «даволаш», балки «парваришлаш» деб таржима қилади. Шу асосда у психотерапия ва арттерапия соҳасида махсус тайёргарликдан ўтмаган ўқитувчилар ва психологлар томонидан арттерапиядан фойдаланишни мақбул деб ҳисоблайди. У, хусусан, «арт-терапия» иборасини илмий-педагогик талқинда бадиий фаолият орқали шахснинг, гуруҳнинг ёки жамоанинг ҳиссий ҳолати ва руҳий саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш деб тушунади. Шу билан бирга, у таълим тизимида мактаб ўқувчилари билан арттерапия ишларини олиб бориш учун турли хил кўрсатмалар, шу жумладан, «дисгармоник, ўзини ўзи нотўғри баҳолаши»; «ҳиссий ривожланишдаги қийинчиликлар», ташвиш, кўрқув, тажовузкорлик; ҳиссий рад этиш тажрибаси, ёлғизлик ҳисси, тушкунлик, нотўғри хатти-ҳаракатлар, шахслараро муносабатлардаги низолар, ўзгаларга душманлик тўғрисидаги фикрларини баён қилган ҳамда бу муаммолардан чиқиш йўллари ҳам кўрсатиб берилган [108; 56-б.].

М.Ю.Алексеева ўқитувчилар томонидан арт-терапиядан фойдаланишнинг баъзи вариантларини кўриб чиқади. Вариантлардан бири сифатида у ўқитувчиларга арт-терапевтнинг функциялари «даволаш» билан эмас, балки болаларни тарбиялаш ва уларнинг уйғун эмоционал ва интеллектуал ривожланиши билан шуғулланиши мумкинлигини таъкидлайди[47].

Бошланғич синф ўқувчиларининг психологик саломатлигини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, шахснинг психологик мослашуви манбаларини кўпайтириш ўқувчиларнинг маънавий ва шахсий саломатлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган турли хил ижтимоий-психологик машғулотлар, тузатиш дастурлари, психотерапевтик усуллар орқали амалга оширилади.

Арт-педагогиканинг педагогика ва санъатнинг чоррахасида пайдо бўлиши ва ривожланиши ўқитувчига уни нафақат даволаш ва коррекциялаш ишларида қўллаш, балки болада бадий маданиятни ривожлантириш (шу жумладан, ривожланишида нуқсонли бўлмаган болаларда) ва унга бадий фаолиятнинг турли шаклларида амалий кўникмаларни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам беради.

Бугунги кунда фаол ривожланаётган илмий билимлар соҳаси сифатида арт-педагогиканинг мақсади ва қўлами – уни санъатнинг турлари билан ўқувчиларни таништириш асосида педагогик, коррекцион ишларда фойдаланиш, баркамол ривожланган шахсни тарбиялашга ёрдам беради, умуминсоний ва миллий маънавий қадриятларнинг трансляциясини таъминлайди ҳамда болаларнинг жамият ҳаётига бадий фаолият воситасида мослашишига ёрдам беради [102; 95-б.].

Таълимда арт-терапияни жорий этиш ўқувчиларда турли психик фазилатлар ва шахсий хусусиятларни ривожлантиришга ёрдам беради, бу уларнинг муваффақиятли психологик-ижтимоий мослашуви учун катта аҳамиятга эга.

Ушбу услубни мактабларда қўллаш самарадорлиги тўғрисида кўплаб далиллар мавжуд, бу ерда у нафақат тикланиш ва коррекциялаш, балки ривожланиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Болалар ва ўсмирлар арт-терапияси бўйича бажарилган илмий ишлар, асосан, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш мақсадида ижодий фикрлашнинг турли шаклларида фойдаланиш имкониятларини ўрганишга бағишланган.

Ушбу ишларда муаллифлар арт-педагогиканинг асосий хусусиятини ифода этган бўлиб, унда бадий воситалар, бадий-ижодий фаолият воситаларидан фойдаланиш бадий таълим тарбия ўрнини босмайди, балки уларни тўлдиради ҳамда мактаб ўқувчиларининг ривожланиши, ўқитиш ва тарбиялаш жараёнига янги ўзига хос йўналиш беради.

Арт-терапия бу психотерапиянинг ўзига хос шакли бўлиб, у драма терапияси, мусиқа терапияси ва ракс-мотор терапиясини ҳам ўз ичига олади.

Шубҳасиз, иждодий фаолликнинг ҳар хил турлари муҳим психопрофилактик ва ривожланиш таъсирига эга бўлиши мумкин. Таълимга инновацион ёндашувлар, масалан, болаларнинг иждодий потенциали намоён бўлишига ва унинг соғлиқни сақлаш омилларидан фойдаланишга асосланган бўлиши мумкин ва бўлиши керак. Ўқитиш жараёнида ўқитувчилар ва мактаб психологлари ўқувчилар билан ўйин фаолияти ва визуал, мусиқий, драматик ролларни ижро этиш, бадий ва шеърый ифодалаш усулларига асосланган бундай шаклларни яхши ўзлаштириб олишади. Бироқ бу уларнинг терапевтик амалиётга ўтишлари учун асос бўлмаслиги керак.

Ўқитувчиларнинг фаолиятида терапевтик ва ўқув таркибий қисмларининг аралашиб кетишига йўл қўймаслик учун ушбу асар муаллифлари «арт-терапия» ва «арт-терапевтик» (метод, услуб, ёндашув) сўзлари ўрнига «арт усули» («арт усуллари») каби тушунчаларни ишлатишни тавсия этадилар: «ижодий фаолиятга асосланган усуллар», «ижодий усуллар».

Ўрта мактаблардаги болаларнинг руҳий саломатлиги бугунги кунда шифокорлар ва ўқитувчилар учун жиддий ташвиш туғдирмоқда. Асабийлашишлар сони ортиб бормоқда; ўқишга ва ижтимоий ҳаётга қизиқиш йўқолиб бормоқда; умумий апатиянинг тез-тез намоён бўлиши ёки, аксинча, асабийлашиш ва тажовузкорликнинг кучайиши; тамаки, алкоголь ва гиёҳванд моддаларга бўлган хоҳиш кучайиб бормоқда. Буларнинг барчаси

бундай салбий кўринишларнинг олдини олиш учун янги психологик-педагогик воситаларни излашга ундайди.

Бундай воситалардан бири арт-педагогика – ўқувчиларни турли тадбирларга жалб қилиш (расм чизиш, моделлаштириш, муסיқа тинглаш, ракс, ҳаракат ва нутқни ривожлантириш).

Арт-педагогиканинг моҳияти, биринчидан, унинг тарбиявий функциясида шахснинг ахлоқий, ахлоқий-эстетик, коммуникатив-рефлексив асосларига таъсир қилади ва санъат ёрдамида ижтимоий-маданий мослашувига ёрдам беради. Бундан ташқари, бадий педагогика психотерапевтик функцияни ҳам амалга оширади, бу болаларга психологик муаммоларни енгишга, ҳиссий мувозанатни тиклашга ва салбий тажрибадан ижобий рангдаги туйғулар ва фикрларга ўтишга ёрдам беради.

Шон Мак Нифф – Массачусетс штатининг Эддингтон арт-терапевт коллежида ассосиат, Америка арт-терапевтик ассоциациясининг президенти, у арт-терапия соҳасида илк касбий тайёргарликдан ўтган санъат ўқитувчиси ҳисобланади. У «Тасвирий санъат даволовчи амалиёт сифатида: терапия хаёлини яратиш», «Жараёнга ишониш: озодликка оид бадий раҳбарлик» асарлари муаллифи. У ўтган асрнинг 70 йилларидан ўқув муассасалари билан алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қилди, чунки болалар вақтнинг катта қисмини мактабларда ўтказадилар, шунинг учун мактабларда арт-терапия хоналарини ташкил қилиш орқали уларга арт-терапия хизматларини янада яхшилаш мақсадга мувофиқ, деб билди. Ушбу муаллиф ҳар доим арт-терапияни таълим муассасаларига олиб кириш ташаббусларини қўллаб-қувватлаган. Унинг фикрига кўра, бу нафақат ҳиссий ва хатти-ҳаракатларида нуқсонли бўлган болаларга нисбатан терапевтик ва коррекция ишларини олиб бориш, балки уларга ўз ҳис-туйғуларини ижодий ифода этишни ва когнитив кўникмаларни ривожлантиришни ҳам ўргатиш имконини беради, деб ишонган [31].

Истиқболли йўналиш сифатида Ш.Мак Нифф АҚШда сўнгги йилларда фанлараро алоқаларни ривожлантириш тенденциясини кўриб чиқади, у арт-

терапевтларни бошқа мутахассислар билан алоқаларни мустаҳкамлашга ундайди. Шу билан бирга, профессионал арт-терапевтлар сонининг кўпайиши, шу жумладан, биринчи маълумоти ўқитувчи бўлганлар ҳам мактабларда арт-терапия дастурларини муваффақиятли амалга ошириш эҳтимолини оширади.

М.Эссекс, К.Фростиг ва Д.Хертзларнинг тадқиқот ишларида экспрессив психотерапия ёш ва ўспирин болалар билан ишлаш учун энг мос бўлган санъат усули эканлигини ва мактаблар базасида улар билан психологик-коррекцион ишларининг узок муддатли шакллари муваффақиятли амалга оширилиши мумкинлигини таъкидлашади.

Мактабларга арт-терапияни жорий этишдан асосий мақсад, ушбу муаллифлар фикрича, болаларнинг (шу жумладан, енгил, аммо сезиларли ҳиссий ва хулқ-атворли касалликларга чалинганлар) таълим муассасаси шароитларига мослашиши ва уларнинг илмий кўрсаткичларини ошириши саналади.

Ўқитувчилар ва мактаб арт-терапевтларининг устувор вазифалари ўртасидаги фарқларни таъкидлаб, ушбу муаллифлар бир вақтнинг ўзида ўқитувчилар ва арт-терапевтларнинг ўқувчиларда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини ривожлантириш ва стрессларга қарши курашиш каби кўплаб умумий вазифаларга эга эканлигига ишонишади ҳамда уларнинг шахслараро компетентликлари ва мулоқот қобилиятларини такомиллаштириш зарурлигини, шунингдек, улар биргаликда ўқувчиларнинг ижодий потенциални очишлари ва болаларда соғлом эҳтиёжларни шакллантиришлари мумкинлигини таъкидлашади. Ушбу муаллифлар мактабларда арт-терапияни жорий этишни мактаб муҳитини соғлом ва ижтимоий самарадор шахсни шакллантириш воситаси сифатида кўриб чиқиш билан боғлашади.

Д.Буш ва С.Хитлар тадқиқот ишларида мактабларда арт-терапиядан фойдаланишнинг афзалликларини таъкидлашди. Шулардан бири мактаб

ишчиларининг, шу жумладан, ўқитувчилар, психологлар ва арт-терапевтларнинг ота-оналар билан ҳамкорлигига эътиборни кучайтириш болаларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Яқинда Американинг бир қатор арт-терапевтик нашрлари умумий ва махсус мактабларга борадиган, депрессив касалликка чалинган ва юқори даражадаги тажовузкорлик белгилари бўлган болалар ва ўсмирлар билан ишлашни фаол муҳокама қилишди.

АҚШ мактабларида вояга етмаганларнинг тажовузкор ва ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракати муаммолари ва мактабларда ишлайдиган клиник арттерапевтлар вазифалари тўғрисида изоҳ бериб, Л.Пфайфер: «... зўравонликнинг олдини олиш мактабларда биринчи даражали муаммога айланиб бормоқда. Мамлакат бўйлаб мактабларда махсус дастурлар жорий этилмоқда, аммо улар тажовузкор хатти-ҳаракатларнинг аниқ белгиларини кўрсатадиган ўқувчиларга» мўлжалланган. Шу билан бирга, жаҳлдорлик туйғусини яширишга мойил жим юрувчи, интровер ўқувчилар мутахассисларнинг назорат доирасидан ташқарида қолмоқда. Улар болалар ва ўспиринларнинг муҳим қисмини ташкил қилади. Майями штатидаги мактабларнинг таълимини бошқариш бўлимининг клиник арт-терапия бўлимининг раиси сифатида Л.Пфайфер, мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда мактабларда ўқувчиларда тажовузкор ва ўз жонига қасд қилиш тенденцияларини эрта аниқлаш усулларини жорий этишни жуда муҳим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон мактабларида ўқувчилар орасида таҳқирланишнинг олдини олиш лойиҳаси устида маълум ишлар амалга оширилмоқда (Халқ таълими вазирлиги ва ЮНЕСКО ташаббуси билан амалга оширилди), дея хабар беради ХТВ матбуот хизмати.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Арт-педагогика илмий ва педагогик амалиётда нисбатан янги йўналишдир. Даврий нашрлар, Интернет материаллари ва хабарлардаги

мавжуд нашрларга мурожаат қилиш орқали билдикки, арт-педагогика имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Аксарият амалиётчилар қўлида арт-педагогика деб психотерапевт ва психологлар томонидан шахсни тинчлантириш, ўспириннинг хатти-ҳаракатларини, шахснинг ўзига хос хусусиятлари ва феъл-атворини тузатиш, дарсларда дўстона муҳитни яратиш ва болалар ҳамда катталар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш муаммоларини ҳал қилишда фойдаланиладиган арт-терапия билан алмаштирадилар. Дарснинг режаси бўйича арт-педагогикадан фақат бошланғич мактабда фойдаланилади, шу билан бирга тасвирий, мусикий фаолиятда дам олиш лаҳзаси сифатида фойдаланилади.

2. Арт-педагогикада арт-терапия технологияларини қўллаш соҳасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, санъат шахсни ривожлантиради, ўқувчиларнинг умумий ва бадиий дунёқарашини кенгайтиради, болаларнинг когнитив қизиқишларини амалга оширади. Арт-педагогика ривожланишида турли хил муаммолари бўлган болаларга дунёни, унинг бойлиги ва хилма-хиллиги билан танишиш ва бадиий фаолият орқали уни қандай ўзгартиришни ўрганишига имкон беради. Санъат – бу боланинг янги ижобий тажрибаларининг манбаи, ижодий эҳтиёжларини, улардан қаноатланиш усулларини келтириб чиқаради. Шу билан бирга, уни ижтимоий-педагогик технологияларни жорий этишнинг самарали воситаси, деб ҳисоблаш мумкин.

3. Ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларини тарбиядан ва таълимнинг кудратли воситаси бўлган санъатдан ташқарида ҳал қилиб бўлмайди. Тадқиқотчиларнинг арт-педагогикага тобора кўпроқ қизиқишининг ортиб боришига сабаб, мутахассислар уни махсус психотерапевтик сегментдан ажратиб турадиган махсус предмет сифатида кўриб чиқишларидадир. Арт-педагогика ва арт-терапия бўйича махсус курсларни таълим, маданий-маърифий соҳаларда мутахассислар тайёрлаш тизимига киритиш ғояси бежиз эмас эди. Арт-педагогика ва арт-терапия масалаларини чуқур таҳлил қилиш, замонавий таълим тизимини такомиллаштиришга ёрдам беради.

4. Шу муносабат билан арт-педагогика ва арт-терапияни батафсил ўрганиш ва ривожлантириш миллий таълимнинг муқобил мактабларини янада такомиллаштиришда ижобий қадам бўлиши мумкин. Албатта, ушбу фанлар бўйича ўқув дастурларининг етишмаслиги таъсир қилади, муаммо батафсил ўрганишни, фан чегараларини белгилашни ва касбий этика қоидаларига риоя қилишни талаб қилади. Албатта, мавзу маданият ва таълим соҳасидаги мутахассислар учун амалий аҳамиятга эга.

5. Арт-терапия соғлиқни сақлаш технологиясининг психологик усули сифатида ўқувчиларнинг самарали ресурсларини оптималлаштириш, психологик саломатлигини мустаҳкамлаш, дунёқараши ва муносабатлар тизимини ўзгартиришга қаратилган. Арт-терапиянинг оммавийлиги ва профессионалигининг ошиб бориши ушбу усул замонавий амалий педагогика ва психологиянинг фаол ривожланаётган шаклларида бирига айланишига олиб келади.

II БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШНИНГ АМАЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМИ

2.1. Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбияланганлик даражаси

Эстетик тарбия жараёнининг натижалари ва самарадорлигини ўрганиш педагогик назария ва амалиётнинг энг қийин масалаларидан биридир. Мураккаблик, авваламбор, ушбу жараённинг ҳолати, натижалари ва самарадорлиги нафақат мактаб шароитига, балки унга нисбатан ташқи муҳитга ҳам боғлиқдир.

Эстетик тарбияланганлик даражасининг комплекс кўрсаткичи икки йўналишда: эстетик онг даражаси, яъни эстетик тасаввурлар, тушунчалар, мулоҳазалар ва эстетик хулқ-атвор даражаси ҳамда шуғулланувчилар ҳаракатлари доирасида бўлади. Агар ўқувчиларнинг эстетик тарбияланганлик даражаларини сўровномалар ва анкеталар ёрдамида ўрганилса, улар тўғрисида ниманидир билса бўлади, лекин ўқувчиларнинг эстетик ҳиссиётлари, дидлари ва хатти-ҳаракатларининг чуқурлигини аниқлаш жуда қийин. Бунинг учун ҳар бир ўқувчини алоҳида-алоҳида ва жамоадаги хатти-ҳаракатларини узоқ муддатли кузатишлар талаб этилади. Шу билан бирга, нафақат чиройли муомаласини, қилиғини, ҳаракатини кузатиш, балки бунга нима сабаб бўлганини, бунинг ички сабаблари нимада эканлигини аниқлаш керак бўлади, чунки бу боланинг бошқаларнинг олдида ўзини шунчаки кўрсатиб қўйиш истаги бўлгандир.

Афсуски, эстетик онгнинг психологик тузилиши тўғрисида ягона фикрлар йўқ. Эстетик идрок, эстетик туйғу, эстетик дид, баҳолаш, идеал каби тушунчаларнинг ҳам аниқ таърифлари мавжуд эмас. Ўқувчиларнинг ҳиссий соҳасига бадиий маданиятнинг тизимли ва самарали таъсири бўйича аниқ амалий тавсиялар тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Республикамиз умумий ўрта таълим мактабларида арт-педагогика ва арт-терапиядан фойдаланиш эстетик тарбиянинг янги йўналиши бўлганлиги сабабли, таъкидловчи тажрибанинг мақсади эстетик тарбия жараёнини ташкил этишдаги камчиликларни аниқлаш эмас, балки тасвирий санъат ва мусиқа дарсларининг эстетик ҳамда соғлиқни сақлаш функцияларини кенгайтириш мумкин бўлган йўналишларни аниқлашдан иборат бўлди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбияланганлигининг бошланғич даражасини аниқлаш учун унинг педагогик воситалари мезонлари, кўрсаткичлари, керакли микдорларни ўрганиш учун етарли усул ва методикаларни аниқлаб олиш керак бўлади.

Ю.С.Любимова [29; 30; 115; 116], А.И.Копытин, Е.Е.Свистовская [101; 102; 103; 100], О.А.Горбунова, А.В.Анисимов [8], М.А.Пинская [133], Б.В.Сергеева, Н.А.Петренколарнинг [38] тадқиқотлари таҳлилининг кўрсатишича, мезонлар аппаратининг асоси сифатида эстетик тарбиянинг муҳим компонентлари ҳамда унга мос вазифаларни белгилаш мумкин.

Ўқувчиларнинг бадиий-эстетик таълими мақсадли йўналиш сифатида бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик маданияти таянч компонентлари кўрсатилади. Улар ўқувчиларнинг тасвирий ижодини ривожлантириш жараёнида шаклланади ва қуйидаги моҳиятга эга: тасвирий санъатнинг эмоционал – тимсолий табиати тўғрисидаги элементар эстетик тасвурлар ва тушунчалар; тасвирнинг ифодали воситаларини билиш (когнитив тажриба); бадиий кўникма ва малакалар; бадиий-эстетик фаолият усуллари (амалий фаолият тажрибаси); бадиий масалаларни ечишда ижодий фаоллик (ижодий фаолият тажрибаси); воқелик ва санъатга ҳиссий-қадриятли эстетик муносабат (шахсий йўналиш тажрибаси) [116].

Шунингдек, тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш жараёнининг мазмунида қуйидаги таркибий қисмларни ажратиш мумкин, уларнинг шаклланиши эстетик тарбиянинг вазифаси бўлиб, шахснинг воқелик ва санъатга нисбатан фаол эстетик муносабатининг шаклланишини таъминлайди: когнитив компонент (эстетик тасаввурлар,

тушунчалар, билимлар; эстетик фикрлар ва баҳолаш); хиссий-рағбатлантирувчи компонент (эстетик тажриба, ҳис-туйғулар ва ҳиссиётлар; эстетик идрок; эстетик дид; эстетик эҳтиёжлар, қизиқишлар; шахснинг эстетик фазилатлари; бадий ижод); фаолият компоненти (кўникма ва малакалар; ижодий фаоллик; эстетик хулқ) [116; 27-б].

Асосий таркибий қисмларга (компонентларга) асосланиб, Б.В.Сергеева ва Н.А.Петренколар эстетик туркум ўқув предметларини ўрганиш жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш бўйича икки гуруҳ мезонларни аниқлаганлар [38].

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик ривожланиши мезонларининг биринчи гуруҳига қуйидаги мезонлар киради: мотивацион тайёргарлик; санъат турларининг қийматли-семантик афзалликлари; бадий шаклларни идрок этишнинг тўлиқлиги, ҳиссиётлилиқ, санъат ҳақидаги эстетик фикрларнинг чуқурлиги; мослик; эстетик тафаккур турлари, креативлик, рефлексия.

Иккинчи гуруҳ мезонлари – санъат шаклларининг бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик ривожланишига таъсири; бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик туркум дарсларида санъат турларига муносабати.

Берилган нуқтаи назарларни таҳлил қилиш ва тадқиқот муаммосига мувофиқ ва бошланғич синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, биз ўқувчиларни эстетик тарбиялашнинг когнитив, қадриятларга йўналтирилган, ижодий ва фаолиятли каби мезонларини аниқладик.

Эстетик хабардорликнинг (намоён бўлишнинг) шаклланиш даражаси қуйидаги йўналишларда кузатилди:

тасвирий санъат дарсларида тасвирий фаолиятда;

музыка дарсларида музикавий фаолиятда.

Диагностика ўқув жараёнини мақсадли ва самарали амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Бу бутун таълим ва тарбия тизимини ҳамда унинг

таркибий қисмларини назорат қилиш (мониторинг қилиш) ва коррекциялаш орқали болаларнинг ўқиш, тарбияланиш ва ривожланиш жараёнини такомиллаштиришга имкон беради.

Биз муаллифлар Ю.С.Любимова [29], Б.В.Сергеева ва Н.А.Петренко [38]ларнинг фикрига қўшиламыз, чунки ўқувчиларнинг эстетик тарбияланганлик даражасини ўрганаётганда, битта методикани эмас, балки бир нечта усулни қўллаш керак. Бу кузатиш, суҳбат, эксперимент, сўров бўлиши мумкин. Натижаларни баҳолашда фақат интеграциялашган ёндашув бизга ҳар учала гуруҳ ўқувчиларининг ютуқларини баҳолашга имкон беради: ўқув предмети бўйича метапредмет ва шахсиятли.

Ҳозирги кунда бир қатор тадқиқотчилар томонидан бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбияланганлик даражаларини аниқловчи диагностик усуллари ишлаб чиқилмоқда. Аммо кўпинча диагностика воситаларининг етишмаслиги бошқа ёш тоифасидаги ўқувчиларни ташхислаш учун ишлаб чиқилган хорижий тестлар ёки усуллардан фойдаланишга олиб келмоқда. Шу сабабли бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбияланганлигини диагностика қилиш методикаси қуйидаги усулларнинг комбинациясидан фойдаланишни ўз ичига олган: кузатув, сўров усуллари (анкеталар, аниқлаштирувчи интервью, ўқитувчилар, ўқувчиларнинг ота-оналари билан суҳбатлар); мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш; болаларнинг ижодий фаолияти маҳсулотларини таҳлил қилиш (ўқувчилар расмлари, ҳаётни кузатиш ва эртақлар, ижодий мавзулар бўйича ижодий ишлар ва бошқалар); тест синовлари (Роршах тести, Д.Векслерга кўра ақлнинг ўзгариши кўлами, болаларнинг ижодий фаолияти маҳсулотларини таҳлил қилиш, шунингдек, Ж.Гилфорднинг мослаштирувчи методикаси, Е.П.Торренснинг ижодий фикрлаш, Е.Л.Крупникнинг санъатнинг психологик таъсири, бадий ва оғзаки ривожланишни ташхислаш усули, О.Ф.Потемкиннинг рейтинг баҳолаши); натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишда математик-статистик усулларини қўллаш ва бошқалар.

Қуйидаги диагностика усулларида фойдаланилди:

1. Ўқувчиларнинг эстетик тарбияланганлик даражаси диагностикаси (анкета, 2-илова).

2. Эстетик маданият тушунчаси бўйича умумий қарашни аниқлаш диагностикаси.

Методология – тугалланмаган тезис (тугалланмаган жумла, 3-илова).

Кўриниш даражалари:

Юқори даража – аниқ ифодаланган истак, эстетик фаолиятга ижобий муносабат, эстетик нарсаларга, атрофдаги воқеликнинг объектлари ва ходисаларига қизиқишнинг ортиб бориши.

Ўрта даража – бу етарли даражада ифода этилмаган истак, эстетик фаолиятга ижобий муносабат, эстетик нарсаларга, атрофдаги воқеликнинг объектлари ва ходисаларига қизиқишнинг мавжудлиги.

Паст даража – хусусиятлар мавзу даражасида.

3. Маданий-маърифий фаолиятни занжирлаш диагностикаси сўзлар ва тушунчаларни уларнинг моҳияти, аҳамиятини субъект учун ошириш ёки камайтириш мақсадида муайян кетма-кетликда жойлашишидир.

Методиканинг мақсади ўқувчилар учун эстетик тушунчаларнинг моҳиятини аниқлашдир.

Таклиф этилган рўйхатдаги сўзларни шахсий аҳамият даражасига қараб тартиб билан қўйиб чиқиш. *Музей, кино, театр, ҳайвонот боғи, бадиий расмлар галереяси, цирк, мумтоз мусиқа концерти, ошхона, кўча, спорт секцияси, қизиқиши бўйича тўғарак, дўконлар.*

Юқори даража – болалар санъат галереяларига, музейларга ташриф буюришни, мумтоз мусиқа концертларига боришни афзал кўришади.

Ўрта даража – театр, кино, ҳайвонот боғи, цирк.

Паст даража – ошхона, кўча, дўконлар.

2.1.1. Тасвирий санъат дарсларида бадий-эстетик тарбияланганликнинг бошланғич даражаси

Тасвирий санъат ўқитувчилари ўқувчилар билимларини баҳолашда жуда қийин аҳволда қолишади. Ушбу турдаги машғулотлар самарадорлигини баҳолаш учун ҳали ҳам аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган. Иқтидорли ўқувчиларнинг иши юқори баҳоланиши керакми ёки кам қобилиятли, аммо максимал даражада тиришқоқ боланинг чизмалари паст баҳоланиши керакми? Қандай мезонлар билан баҳолаш керак? Қандай расмлар (чизмалар) муваффақиятли деб ҳисобланади ва қайси бири йўқ? Баҳолаш ҳар томонлама комплекс бўлиши керакми ёки ўқувчининг нафақат махсус бадий қобилиятини, балки унинг ижодий фаолияти, ташаббускорлигини ҳам ҳисобга олиш керакми?

Бадий ижодкорлик билан бир қаторда, ўқувчининг интеллектуал ташаббускорлигининг ижодий намоён бўлишини баҳолаш жуда муҳимдир: унинг саволларининг аниқлиги, қўшимча материалларни мустақил равишда излаши, келтирилган қизиқарли тахминлари ва бошқалар. Тасвирий санъат дарсида назорат ва ташхисни мунтазам равишда бирлаштирадиган баҳолаш тизимидан фойдаланиш керак. Шунингдек, ўқитувчи, мактаб маъмурияти, ота-оналар томонидан назорат тизимини йўққа чиқармасдан, аксинча, бу тизимни жорий қилишга кўмаклашиш лозим, шунда ўзини ўзи бошқариш ва ўқувчининг ўзини ҳурмат қилиш роли кучайтирилган бўлар эди.

Ҳозирги вақтда шуни таъкидлаш мумкинки, фақат битта яқуний маҳсулот – яъни, болалар расмига асосланган «Тасвирий санъат» соҳасидаги баҳолаш тизими ўқувчиларга шахсий ютуқларини баҳолашга имкон бермайди ва ўқувчининг баҳолаш мустақиллигини ривожлантириш учун тўлиқ имконият яратмайди. Ўқувчининг ижодий ишлари натижасини баҳолашда асосий эътибор асарнинг бадий моҳиятига қаратилмайди, чунки бу кўп жиҳатдан муаллифнинг табиий қобилиятига боғлиқ. Умумтаълим мактабида касбий маҳоратни таъминлаш вазифаси қўйилмаган, чунки ўқув

дастури фақат тасвирий санъат тарихи ва назарий билимлари ҳамда назарий билимларининг минимал даражасига мўлжалланган.

Болалар расмларининг ўзига хос хусусиятларини ва уларнинг тафаккур қобилиятини аниқлаш ҳамда ижодий вазифалар бўйича болалар томонидан яратилган тасвирларни (расмларни) баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган:

1. Ранглар ва сояларни билиши.
2. Тасвирий технологияларга эга бўлиши.
3. Чизишнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланиши.
4. Санъат турларини билиши.
5. Декоратив амалий санъатни билиши.
6. Техник кўникмаларга эга бўлиши (чўтка ва қалам).
7. Турли бадиий материаллардан фойдаланиши.
8. Бўёқларни аралаштиришни билиши.
9. Қайчи билан ишлашни билиши.

Ноанъанавий расм чизиш.

1. Аппликация ёпиштириш дарслари.
2. Ранглар ва сояларни эркин ишлата билиши.
3. Ижодий топшириқларни бажаришда ностандарт фикрлаш қобилияти.

Тасвирий санъат фанининг ўзига хос жиҳатлари ва тадқиқотимиз мақсадлари асосида ўқувчиларнинг тасвирий-эстетик ривожланиш даражаларини аниқлаш учун тасвирий кўникмалар, ҳиссий-қадриятли муносабат, бадиий тасаввур ва ижодий ёндашув мезонлари белгилаб олинди.

1. Тасвирий фаолиятдаги болаларнинг ўзларини эстетик намоён қилишлари диагностикаси «Бадиий-экспрессив тест» методикаси ёрдамида ўлчанди, бу бизга ҳиссий ривожланиш даражасини аниқлашга имкон берди (4-илова).

Ҳиссий ифодаланишнинг ривожланиш даражалари:

Юқори даража – бола расмда кўрсатилган кайфиятни аниқ ҳис қила биледи, бу болаларнинг табиати ҳақида эркин ва тўлиқ ҳикоя қилиб беради,

уларнинг кейинги ҳаракатлари ҳақида ўйлайди, болаларнинг хис-туйғулари ҳақида ўзига хос оригинал фикрларни ифода этади;

Ўрта даража – ўқувчи ушбу болаларнинг нимани ўйлашини, уларнинг кайфиятини аниқлай олади, лекин расмлар ҳақидаги фикрлари ноаниқ, тўлиқ эмас, ривожланмаган;

Паст даража – ўқувчи болаларнинг кайфиятини аниқлашда қийналади, расмларни идрок этиш тўғрисидаги мулоҳазалар мавжуд, ҳиссий хусусиятлари ўртача ва ноаниқ.

2. «Тугалланмаган тасвирлар (фигуралар)» таъхиси.

Кўрсатма: *Таклиф қилинган тасвирларни (расмларни) бутун расм даражасига етказиб чизинг ва унга ном беринг. Агар хоҳласангиз, ҳар бир тугалланмаган шакл учун бир нечта расм чизишингиз мумкин. Алоҳида тугалланмаган тасвир билан ишлаганингиздан сўнг, агар хоҳласангиз, сиз тўлиқ расмни яратишингиз мумкин.*

Вазифаларни бажаришнинг таъминий даражалари:

Жавобларнинг ўзига хослиги, оригиналлиги аниқланади. Агар ўқувчи кўшимча расмларга эга бўлса, у ҳар бир расм учун кўшимча 2 балл олади.

Юқори – 9 ёшдан бошлаб, иккитадан кўпроқ асл тасвирлар, тасвирларнинг яхлит расмга айланиши. 6-8 ёш – биттадан кўпроқ асл тасвир.

Ўрта – 9 ёшдан бошлаб – 1-2 алоҳида асл тасвирлар. 6-8 ёш – 1 асл тасвир.

Паст – 9 ёшдан - 0 асл тасвирлар. 6-8 ёш - 0 асл тасвирлар.

Ўқувчиларнинг бадий-ижодий қобилиятлари диагностикаси Н.А.Лепская усулида «5 та расм» амалга оширилди.

Шартлар: болага бир хил ўлчамдаги қоғозга (1/2 албом варағи) алоҳида варақларга бешта расмни ўйлаб топиш ва чизиш таклиф қилинади.

Болалар учун кўрсатмалар:

«Бугун сизга бешта расм чизишни таклиф қиламан. Сиз хоҳлаган нарсангизни, шу пайтгача чизмаган расмни чизишингиз мумкин. Энди сизда

бундай имконият бор». Кўрсатмаларда ҳеч нарса ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин эмас. Сиз фақат такрорлашингиз мумкин.

Расмлар тугагач, орқа томонда расмнинг рақами, номи ва «Бу расм нима ҳақида?» деган саволга жавоб ёзилади.

Бадий-ижодий қобилият даражалари.

Юқори «5» – ғоя ўзига хос, ҳиссий. Расм график ифодали воситаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган. Ёруғлик ва соя мутаносиблиги, фазо, чизиқлар ва ҳажм нисбатлари аниқланган.

Ўрта «4» – кузатиш асосида ғоя оригинал. Расм предметларининг нисбатлари мутаносиблигига эришилган. График воситалар хилма-хил.

Паст «3» – бунда ғоя кузатувларга асосланмаган, одатий бўлиб қолган. Расм жуда умумий, нисбатлар ва макон мутаносиблигига етказишга уринишлар йўқ.

Ижодий тафаккур диагностикаси.

Битта дарсда ўқитувчи 3-5 та расмдан фойдаланади. Натижани талқин қилиш, албатта, болани мақташ ва қўллаб-қувватлаш шароитида амалга оширилади. Ижодий фикрлайдиган бола:

картинадаги расмларнинг бир нечта версиясини таклиф қилади;

тўғридан-тўғри расм бўйича саволлар беради;

тафсилотлар ёки бутун расм билан боғлиқ саволларни, шу жумладан, аналитик-фаразий саволларини беради;

расмларга мувофиқ тахминларни тузади;

ўзига хос, ғайриоддий воқеани ёзади;

вазифаларни тезда бажаради.

Фаолиятнинг ижодий даражасини кузатиш натижаларига, шунингдек, креатив фикрлашнинг ташхисига асосланиб, ўқитувчи керакли ўзгаришларни амалга оширган ҳолда бола билан ўзаро муносабатларини ўрнатади.

Методика «Ёш рассом» текширув варақаси.

Табиатдан (натурадан) хотирадан расм чизиш ёки куз гулдастаси тақдимоти.

Астра, георгина ва бошқа табиий гулларнинг буклетларини кўриб чиқинг (мактабда, уйда, рассомларнинг суратларида). Уларда гулларнинг катта ва кичик шакллари, ёрқин ва юмшоқ ранглари қанчалик ҳамоҳанг, мутаносиблигига эътибор беринг.

Бўёқлар ёрдамида куз гуллари буклетини чизинг.

Қандай қилиб уни вараққа жойлаштириш керак?

Ушбу чизмани нимадан бошлаш керак?

Чизиш қондасини қўлланг: алоҳида гулларни чизишда, умумий гулдастани унутманг. Рангларнинг ўлчамини, шакли ва тартибини таққосланг. Расмда гулдаста, ҳаётда бўлгани каби, гўзал ва чиройли бўлиши керак. Гулларга қўшимча равишда, кўкатлар жуда кўп бўлиши керак, улар гуллар билан яхши уйғунлашади. Турли гулдасталарни таққосланг.

Ўйлаб кўринг: бу ва бошқа гулдастадаги гуллар тасвири ўртасидаги фарқ нимада?

Топшириқларнинг бажарилиш даражалари:

Юқори – композиция (варақдаги расмни жойлаштириш). Ҳажмли шакл, предметларнинг қисман соя ва сояда маҳаллий рангларининг ўзгариши бўёқлар ёрдамида берилади. Иссиқ, совуқ рангнинг нисбати кузатилади.

Ўрта – ёмон композиция. Ранг кўлами барқарор. Ёруғлик, қисман соя ва сояда объектларнинг маҳаллий ранги ўзгариши етарлича кўрсатилмаган.

Паст – композиция йўқ. Элементларнинг шакли етарли кўрсатилмаган. Ранглар гаммаси йўқ.

Назорат ва тажриба гуруҳларида тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг бадий-эстетик саводхонлик даражасининг бошланғич миқдорий кесими 1-2 жадвалларда келтирилган.

Тасвирий санъат дарсларида бадий-эстетик тарбияланганликнинг бошланғич даражаси (назорат гуруҳи)

1-жадвал

Мазонлар	Жиззах шаҳри мактаблари 50 ўқувчи			Навоий вилоят Конимех тумани мактаблари 51 ўқувчи			Андижон вилояти Олтинқўл тумани мактаби 52 ўқувчи		
	Даражалари								
	ю	ў	п	ю	ў	п	ю	ў	п
Тасвирий кўникмалар	12	22	19	10	26	14	9	24	17
Ҳиссий қадрият муносабатлари	11	24	18	8	31	11	8	30	12
Бадий тасаввур	11	26	16	10	22	18	14	25	11
Ижодий ёндашув	10	25	18	6	27	17	9	26	15

2-жадвал

Тасвирий санъат дарсларида бадий-эстетик тарбияланганликнинг бошланғич даражаси (тажриба гуруҳи)

Мезон	Жиззах шаҳри мактаблари 51 ўқувчи			Навоий вилоят Конимех тумани мактаблари 52 ўқувчи			Андижон вилояти Олтинқўл тумани мактаби 53 ўқувчи		
	Даражалари								
	ю	ў	п	ю	ў	п	ю	ў	п
Тасвирий маҳорат	17	25	11	8	29	14	9	30	23
Ҳиссий қадрият муносабатлари	13	23	17	8	33	10	7	34	11
Бадий тасаввур	11	25	17	11	24	16	13	30	19
Ижодий ёндашув	8	32	13	9	28	14	11	25	16

2.1.2. Ўқувчиларнинг муסיқий-ижодий ривожланишининг бошланғич даражаси

Муסיқа дарсларидаги тажриба-синов ишининг мақсади – муסיқий маданият дарсларида артпедагогик технологияларни қўллаш усулларини ишлаб чиқиш ва амалий синовдан ўтказиш – ўқувчиларнинг эстетик тарбиясининг муҳим қисми сифатида муסיқий ривожланишининг бошланғич даражасини аниқлашни талаб қилди. Ишимизнинг олдинги қисмида муסיқа таълимида қўлланиладиган артпедагогик технологияларнинг хусусиятлари, масалан, коммуникатив ва ижодий тамойилнинг етакчи роли, тингловчиларнинг тинглаш, идрок этиш ва ижро этиш асосан, қўшиқ мактаб

Ўқувчиларининг муסיкий фаолиятининг асосий тури сифатида эътиборга олинади.

4-синф ўқувчиларининг муסיкий-ижодий ривожланиш мезонлари аниқлаштирилди:

Муסיқани идрок этиш.

Креатив қобилият.

Муסיкий-ижодий фаолиятнинг фаоллиги.

Ўзининг иждодий маҳсулотларини яратиши.

Ўқувчиларда ушбу мезонларнинг жиддийлигини аниқлаш учун куйидаги маълумотларни тўплаш усуллари қўлланилди:

1-методика. Мактаб ва услубий ҳужжатларни таҳлил қилиш муסיқа маданияти ўқитувчилари томонидан тақдим этилган дарс ишланмалари, дарсдан ташқари тарбиявий ишлар режалари, мактабнинг методик ва педагогик кенгашлари мажлислари баённомалари, ўқув адабиётлари, синф хоналари, ўқувчилар кундаликлари, ўқувчиларнинг («Муסיкий қутича») ўқув предмети бўйича дафтарлардаги ёзувлари.

2-методика. Кузатиш. Биз ушбу усулни тавсифланган психологик тадқиқот сифатида қўлладик, унинг мақсади ўрганилаётган объектнинг хатти-ҳаракатларини уюшган ҳолда идрок қилиш ва қайд қилиб боришдир.

Кузатувда куйидагилар:

мактабда ва уйда ўқувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятини кузатиш жараёнида дастлабки маълумотларни тўплаш;

хулқ-атвор натижаларини умумлаштириш;

олинган маълумотларни таҳлил қилиш;

қидирув майдонини аниқлаш, яъни боланинг зарур физиологик, психологик хусусиятларини аниқлаш, биринчи навбатда, унга керакли ёрдамни белгилаш учун батафсил ўрганиш керак.

Биз кузатишда ўқувчилар хатти-ҳаракатларининг куйидаги кўрсаткичларига эътибор қаратдик:

Ташаббускорлик боланинг эътиборни жалб қилиш истаги, биргаликдаги фаолиятга интилиши, хиссиётларни ифода этишда, ижодий фаолиятда эркинлик;

тенгдошлар ва ўқитувчилар таъсирига нисбатан сезгирлик – бошқа одамнинг хатти-ҳаракатларини идрок этиш ва таклифларга жавоб бериш истаги ва тайёрлиги, ташаббус ва жавоб ҳаракатларининг навбати, ўз ҳаракатларини бошқасининг ҳаракатлари билан мувофиқлаштиришни акс эттиради;

устувор хиссий фон – боланинг тенгдошлар билан ўзаро муносабатларида ижобий хиссиёт ҳолатида намоён бўлади: ижобий, нейтрал фаолият, салбий [11; 68].

Ҳар бир бола учун баённома тузилиб, унда қуйида келтирилган бандларга мувофиқ ушбу кўрсаткичларнинг мавжудлиги ва уларнинг ифодаланганлик даражаси қайд этилади.

3-методика. Сухбат. Сухбатнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

болаларнинг муסיқий ривожланиш даражаси, муסיқий қизиқишлари ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш;

мусиқани идрок этиш, муסיқий фаолият билан шуғулланиш истаги нуқтаи назаридан ҳар бир боланинг хусусиятларини аниқлаш (қўшиқ айтиши – яккахон, хор, мусиқа асбобини чалиши, мусиқа мактабида ёки мусиқа тўгарагида, дарсда);

боланинг индивидуал ёки жамоавий муסיқий фаолиятга мойиллигини аниқлаш;

ўқувчиларнинг ахлоқий ва ижодий хатти-ҳаракатларини муסיқий жамоада мулоқот қилиш қобилиятини баҳолаш;

Артпедагогик методикалар.

4-методика. «Мусиқа чалиш»ни «кайфиятлар палитраси» билан синаб кўриш – **I Блок:**

- 1) қувноқ, шод;
- 2) тантанали, улуғвор;
- 3) қайғули, ғамгин;
- 4) рақсга тушадиган, ўйноқи;
- 5) лирик, самимий.

II Блок. Шунга ўхшаш ҳиссий ҳолатни акс эттирувчи «Муסיқий асарларнинг умумлаштирилган тавсифлари тўплами» (3-жадвал).

3-жадвал

Асосий кайфият	Адабий таърифлар	Асарлар номи
Кўтаринки	Лирик, юмшоқ, мулоҳазали, хушчақчақ, жозибали, мулойим	«Ватанжоним-ватаним» Д.Омонуллаева муסיқаси, «Онажоним» С.Аврамова муסיқаси, «Ялпиз» Л.Муждабоева муסיқаси, «Азиз устозлар» Ш.Ёрматов муסיқаси, «Ғилдирагим» Ш.Ёрматов муסיқаси, «Диёр мадҳи» Н.Норхўжаев муסיқаси, «Полка» М.Глинка.
Осайишта	фожиали, қайғули, мотамли, сокин, сукунатли	«Алла» ўзбек халқ кўшиғи, «Алла» В.Моцарт, «Айиқ полвонлар боғчаси» Т.Тошматов муסיқаси, «Ойижоним алласи» Х.Муҳаммад шеъри, «Шамол, шамол» С.Абрамова.
Кувноқ, хушчақчақ	Драматик, ҳаяжонланган, юкори кайфиятли	«Лайлакқор» С.Абрамова муסיқаси, «Кўзичоғим-ўйинчок» А.Мансуров, «Булбулчам» М.Насимов муסיқаси, «Лазги» Хоразм халқ куйи, «Шоҳисўзана» А.Муҳаммедов.

5-методика. Муסיқий асарларнинг эмоционал-ҳиссий параметрлари.

6-методика. «Мавжуд бўлмаган ҳайвон» тести – болаларга ўзларининг тасаввурлари асосида мавжуд бўлмаган ҳайвонни чизиш вазифаси берилади. Болалар меҳнати таҳлили боланинг ёш хусусиятларини, унинг ривожланиш давридаги психологик ёшига мослигини аниқлашга, ҳиссий ва оилавий муаммоларининг мавжудлигини ва ҳар бир боланинг индивидуал қобилятини аниқлашга ёрдам бериши. Ушбу арт-педагогик методика дарҳол боланинг турли (интеллектуал, шахсий, ҳиссий) хусусиятларига умумий (ҳали аниқланмаган) баҳо олишига имкон беради.

«Мавжуд бўлмаган ҳайвон» тести қуйидагиларнинг намоён бўлишини аниқлашга имкон беради:

агар ҳайвон шох, тиш, тирноқ ва ҳоказо билан бўялган бўлса, бу боланинг тажовузкорлигини англатади;

агар ҳайвон фақат битта панжада бўлса, уларнинг ҳаракатларини назорат қила олмаслиги, бошқалар таъсирга берилувчанлигини билдиради;

агар расм варақнинг чап пастки қисмида жойлашган бўлса, бу унинг ҳаракатларидаги ноаниқлик ва пасивликни кўрсатади;

агар ҳайвон ҳимояланган бўлса, ўзини-ўзи паст баҳолашини билдиради;

агар ҳайвоннинг боши жуда катта, бошини ёки танаси чапга айланган бўлса, сўзлар ва ҳаракатлар ўртасидаги тафовутни билдиради.

7-методика. «Анкета сўрови» (Н.А.Гусак бўйича) – ўқувчининг мусиқий тажрибасини ўрганиш (5-илова).

Олинган маълумотларни таҳлил қилишда болаларнинг жавобларига энг юқори баҳо, агар улар нафақат синфда, балки ундан ташқарида эшитган турли хил шакл ва жанрдаги мусиқаларни ҳам киритган бўлса берилади.

8-методика. «Бола ва мусиқа». Экспериментатор ўқитувчи болалардан мусиқа тирик мавжудот эканлигини тасаввур қилишни сўрайди ва уларга вазифа беради: бу шахсни улар ўзлари қандай ҳис қилганидек чизишини, унинг тинглаганда ёки ижро этишганда қандай тушунишларини сўрайди. Бундан ташқари, у ҳаммага ўз расмида ўзини кўрсатишини сўрайди. Ушбу методиканинг ўзига хос хусусияти шундаки, болалар аниқ мусиқани (асар таассуротлари) чизмайдилар – уларнинг расмлари, умуман, жонли овоз билан боғлиқ эмас.

Юқоридаги методикаларни қўллаш натижасида ўқувчиларнинг бошланғич мусиқий-эстетик ривожланишининг миқдорий хусусиятларини акс эттирувчи жадваллар тузилди (4-,5-жадваллар).

Унда болаларнинг мусиқий имкониятлари ва қобилиятлари, айниқса, жамоавий ва мусиқий фаолиятдаги психологик тузилиши ва алоқа қобилияти акс эттирилган.

4-жадвал

Ўқувчиларнинг муסיқий-эстетик ривожланишининг бошланғич даражаси (назорат гуруҳи)

Мезонлар	Жиззах шаҳри мактаблари 50 ўқувчи			Навоий вилояти Конимех мактаблари 51 ўқувчи			Андижон вилояти Олтинкўл тумани мактаби 52 ўқувчи		
	Даражалар								
	ю	Ў	п	ю	ў	п	ю	ў	п
Муסיқани идрок этиш	13	20	20	13	23	14	11	20	19
Иждокорлик ва эҳтиёжлар	11	25	17	10	24	16	11	26	13
Муסיқий ва иждодий фаолиятнинг фаоллиги	13	25	15	16	23	11	13	21	16
Ўз иждодий маҳсулотларини яратиш	12	26	15	12	23	15	13	21	16

5-жадвал

Ўқувчиларнинг муסיқий-эстетик ривожланишининг бошланғич даражаси (тажриба гуруҳи)

Мезонлар	Жиззах шаҳри мактаблари 51 ўқувчи			Навоий вилояти Конимех мактаблари 52 ўқувчи			Андижон вилояти Олтинкўл тумани мактаби 53 ўқувчи		
	Даражалари								
	ю	Ў	п	ю	ў	п	ю	Ў	п
Муסיқани идрок этиш	12	17	24	14	21	16	11	21	20
Иждокорлик ва эҳтиёжлар	14	24	15	12	21	18	11	32	9
Муסיқий ва иждодий фаолият фаолияти	14	22	17	16	19	16	14	29	9
Ўзининг иждодий маҳсулотларини яратиш	11	28	13	14	28	9	16	29	6

Ўқувчиларнинг эстетик тарбияланганлигининг умумий мезонларига мувофиқ, шунингдек, ўқув предметларининг тасвирий ва муסיқий иждоди даражасини миқдорий аниқлаш асосида 3-4 синф ўқувчиларининг эстетик тарбияланганлигининг бошланғич (шакллантириш тажрибасидан олдин) даражаси белгиланди (6, 7-жадваллар).

6-жадвал**Ўқувчиларнинг эстетик тарбияланганлигининг бошланғич умумий даражаси (назорат гуруҳи)**

Мезонлар	Жиззах шаҳри мактаблари 50 ўқувчи			Навоий вилояти Конимех тумани мактаблари 51 ўқувчи			Андижон вилояти Олтинқўл тумани мактаби 52 ўқувчи		
	Даражалар								
	ю	ў	п	ю	ў	п	ю	ў	п
Когнитив	11	15	27	11	25	14	11	24	15
Қадриятли йўналишли	7	33	13	9	23	18	9	30	11
Ижодий	15	16	22	9	25	16	11	22	17
Фаолиятли	13	27	13	15	21	14	12	24	14

7-жадвал**Ўқувчиларнинг эстетик тарбияланганлигининг бошланғич умумий даражаси (тажриба гуруҳи)**

Мезонлар	Жиззах шаҳри мактаблари 51 ўқувчи			Навоий вилоят Конимех тумани мактаблари 52 ўқувчи			Андижон вилояти Олтинқўл тумани мактаби 53 ўқувчи		
	Даражалари								
	ю	ў	п	ю	ў	п	ю	ў	п
Когнитив	12	14	27	9	29	13	11	24	17
Қадриятли - йўналишли	14	27	12	9	25	17	14	27	11
Ижодий	14	14	25	11	23	17	11	26	15
Фаолиятли	13	27	13	15	25	11	12	26	14

Таҳлил ва кузатишлар асосида бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбияси учун шарт-шароитларни яратишда иштирок этаётганлар тажриба мактабларида бир қатор муаммолар аниқланди.

Шуни таъкидлаш керакки, дарс жараёнида кўпинча болаларни тасвирий санъат асарларининг гўзаллигини ҳис қилиш, тушуниш ва қадрлаш, эстетик мулоҳазалар юритиш, санъат асарлари билан алоқа қилиш зарурлигини ҳис қилиш кўникмаларини ривожлантириш бўйича педагогик йўналтириш ишлари олиб борилмайди.

Эстетик тарбия жараёнида мактаб ва синфнинг эстетик-ривожлантирувчи муҳити катта аҳамиятга эга, аммо болалар уни яратиш ва такомиллаштиришда иштирок этмайдилар. Машғулотларда санъат, унинг турлари, вакиллари, бадий асар ҳақида кўргазмали назарий материаллар мавжуд эмас:

болалар ўқиш вақтининг кўп қисмида ўзларининг эмоционал-ҳиссий истак-хоҳишлари билан мустақил шуғулланадилар, лекин дарс жараёнида эмас, бу ўз навбатида бадий ижоднинг моҳияти ҳақида юзаки ғояларга олиб келади ҳамда у эстетик тарбиялаш жараёнининг моҳияти ва мақсадга йўналтирилганлигини йўққа чиқаради;

ўқитишнинг, асосан, пассив усуллари қўлланилади, интерфаол усуллар қўлланилмайди, натижада ўқувчилар ўқитувчининг ҳаракатларини кузатадилар, лекин мустақил ҳаракат қилмайдилар;

ўқитувчилар, асосан, бир хил ўқув материалларидан (босма кўргазмали куроллар, халқ бадий буюмларининг кичик тўпламлари, репродукциялар, фотоальбомлар ва бошқалар) фойдаланадилар.

Бошланғич синф ёшидаги болаларни эстетик тарбиялашга қаратилган педагогик шакл ва усуллар таҳлилининг кўрсатишича, бу педагогик шакл ва усуллар бошланғич синф ўқувчиларига бир неча мезонлар бўйича эстетик тарбияни амалга оширишда уларга тўлиқ жавоб бермаслигини кўрсатди:

эстетик билимларнинг мавжудлиги, ҳиссий муносабат ва қизиқишнинг намоён бўлиши, амалий кўникмаларни қўллаш;

болалар турли маданий муассасаларга қатнайдилар ва кўпчилик бу ҳар бир кишининг эстетик тарбияси учун зарур деб ҳисоблашади, лекин барибир ўйин-кулги йўналишини афзал кўришади;

эстетик фаолиятга, объект ва ҳодисаларга қизиқиш ва тасодифийдир.

Эстетик тарбияланганликнинг когнитив таркибий қисмининг ривожланиш даражаси пастлиги учта тажриба мактаби ўқувчиларида (26-13-17 кишилиқ) кетма-кетликда аниқланди, бу ўқувчиларда гўзалликка интилиш йўқлигини, эстетик ғоялар ва тушунчалар ҳали шаклланмаганлигини, бу

болаларда бирон бир санъат турига қизиқиш намоён бўлмаётганлигини кўрсатади. Улар санъат ҳақида янги билимларни олиш истагини намоёйиш қилмадилар.

Юқори даражадаги кўрсаткичлар улардан сезиларли даражада паст бўлиб, улар 11-9-10 натижаларини кўрсатмоқда. Бу шуни англатадики, ўқувчилар эстетик фаолиятга ижобий муносабатда бўлишади, эстетик билимларнинг ҳажми, таассуротлари, тажрибаси, шунингдек, уларда турли эстетик қизиқишлар, индивидуал афзал кўришлар мавжуд.

Ўқувчиларнинг эстетик тарбияланганлик даражаси қадриятларга йўналтирилган таркибий қисмининг паст даражасига эга (11-21-11). Ушбу болалар учун расмларнинг тавсифи анча мураккаб жараёнга айланган, ўқувчилар портретларда тасвирланган болаларнинг кайфиятини аниқлашда чалкашликларга йўл қўйишади, баъзилари, умуман, ҳеч нарса айтолмадилар, ҳиссий хусусиятлари ноаниқ, портретлар тўғрисидаги фикрлари ноаниқ, тўлиқ эмас, очиб берилмаган.

Ўқувчиларнинг 20% эстетик тарбияланганлиги қадриятларга йўналтирилган компонентнинг юқори даражасига эга (13-12-13). Ўқувчи расмларда кўрсатилган ҳиссий кайфиятни тўғри аниқлашади, бу болаларнинг табиатини осонликча ва батафсил тавсифлашади, уларнинг кейинги ҳаракатларини тасаввур қилишади, болаларнинг ҳис-туйғулари ҳақида ўзига хос фикрларни ифода этишади, бу яхши ривожланган ижод билан ифодаланган, ҳиссий сезгирликни, эстетик ҳиссиётларни ифода этаётганидан далолат беради. Уларда бадий асарларга қизиқиш, тасвирий санъат соҳасидаги истаклар ва мойилликлари мавжуд.

Юқоридаги натижаларнинг барчасини сарҳисоб қилсак, шундай хулосага келишимиз мумкин. Ўқитувчилар томонидан бошланғич синф ўқувчиларининг диагностикаси бўйича ўтказилган мониторинги таҳлил қилинганда, бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш бўйича ўқув жараёни таълим соҳалари интеграциясини ҳисобга олган ҳолда қурилган

бўлсада, иш бажариш шакллари ва усуллари эстетик тарбиялаш шартларига тўлиқ мос келмайди.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, бошланғич синф ўқувчиларида эстетик тарбияланганлик кўрсаткичлари, масалан, эстетик дунёқараши, эстетик идроки, эстетик туйғуси, эстетик баҳолаши, эстетик диди, эстетик эҳтиёжи, эстетик қарашлар ва эътиқодлари уларнинг ёшига қараб шакллантирилмаган, шунинг учун кичик мактаб ёшидаги болаларнинг эстетик тарбияланганлик даражасини кўтариш учун ўқитувчиларнинг тизимли ва мақсадга йўналтирилган қўшимча ишини ташкил қилиш лозим.

Болаларнинг эстетик тарбияланганлик даражасини яхшилаш учун ўқув-тарбия жараёнига қўшимча шарт-шароит яратишни тақозо қилади. Бу ўз навбатида эстетик тарбиянинг таркибий қисмларини яхшилашга, ҳиссий-эмоционал соҳани, эстетик тажрибани шакллантиришни, болаларнинг хаёлий тафаккурини, тасаввурини ва ижодий қобилиятини ривожлантиришга имкон беради.

2.2. Арт-педагогик ва арт-терапевтик технологияларни бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш амалиётига татбиқ этиш метод, шакл ва воситалари

Шахсга йўналтирилган таълимни амалга оширишда ўқитувчи ўқув жараёнини мувофиқлаштиради, ўқувчиларнинг фаолиятини кузатади, билвосита йўналтиради, ечимларни танлашда ёрдам беради, ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини фаоллаштиради ва ўқувчилар шахсининг ривожланишига ташхис қўяди.

Ижодий қобилиятларнинг ривожланиши маълум босқичлар билан тавсифланади:

1. Тассуротларнинг тўпланиши.
2. Визуал, сезги-мотор, нутқ йўналишларида ижодкорликнинг ўзидан ифодаланиши.

3. Чизмада ҳаракатлантирувчи, нутқ, мусиқий, иллюстрациялар импровизацияси.

4. Бадиий таассуротнинг бирон-бир турини акс эттирувчи шахсий композициясини яратиш: адабий, мусиқий, тасвирий, пластик.

Ушбу босқичларни мусиқа дарсларида бажариш ўқувчиларнинг куйидаги тадбирларини ташкил этиш орқали амалга оширилади:

1. Ўқувчиларнинг ахлоқий-эстетик сезгирлиги, ҳиссий маданияти, санъат асарларини ташқи дунё билан диалектик алоқаларида идрок этишда ҳаёлотни ривожлантириш.

2. Муаммоли, қидирувга асосланган ўқитиш усулларига асосланган бадиий-ижодий интилишларни аниқлаш: суҳбат, ўйин импровизацияси, диалог, кузатиш, таққослаш, шунингдек, тегишли турни билиш.

3. Мусиқий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

4. Дунё ҳодисаларининг турли мусиқий мужассамларини таққослаш.

5. Мусиқасининг характери бўйича персонаж хусусиятини аниқлаш, унинг оғзаки ва рангтасвир расмларини яратиш.

6. Баланд овозли ва ритмик мусиқанинг баланд ва паст, узун ва қисқа товушларни ташкил этишнинг бошланғич принципларидан хабардор бўлиш.

7. Кайфиятни, ҳолатни тавсифловчи энг оддий мусиқий оҳангларни ёзиш (ижод қилиш).

8. Кўшиқ билан танишиш учун асос сифатида мусиқий интонациянинг экспрессив моҳиятини элементар тушуниш.

9. Мусиқанинг табиатига мос равишда ритмик ҳаракат қилиш қобилияти.

Агар ўқув жараёнида ўқувчилар «ўзи учун» инсоният меросини ташкил этадиган қонунларни кашф этиб, уларни шунчаки тайёр ҳолда қабул қилсалар, маълум даражада улар ижодда, кашфиёт жараёнида қатнашадилар. Ўқувчининг ижодий фаоллигини аниқлаш ва ривожлантириш жараёни унинг мажбурий ёдлашдан, хотирадан озод қилиш билан чамбарчас боғлиқ.

Муסיқа дарсларида болалар ижодиёти – бу мустақил ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган билим, кўникмаларни бошқариш, уларни илгари номаълум шароитларда, амалиётнинг янги турларида қўллаш қобилияти билан боғлиқ бўлган когнитив-излаш муסיқий амалиётидир. Бу стереотипик тасаввурларни рад қилишни англатади. Бошланғич синф ўқувчиларнинг ижоди жуда муҳимдир, чунки улар муסיқа оламида илгари номаълум бўлган янги нарсаларни кашф этадилар.

Тушуниш учун болалар ижод қилиши ва бошидан кечириши керак. Муסיқани шахсий тажрибаси, мулки қилиш учун уларнинг кўшиқ куйлашлари, чолғуда ижро этишлари, рақсга тушишлари ва ўзлари ихтиро қилишлари ҳамда ўзгартиришлари керак. Шунинг учун муסיқий фаолиятнинг ҳар хил турлари бўйича ўқувчиларнинг ижодий ривожланишига катта эътибор бериш керак. Хусусан, бу муסיқа тинглашда, кўшиқ айтишда, болалар муסיқа асбобларини ўйнашда, муסיқий ритмик ҳаракатларда ўз ифодасини топади.

Арт-педагогика асосидаги муסיқа дарсларида ўқитиш ва тарбиялаш услублари ва усулларини танлаш куйидагилар билан белгиланади:

болаларнинг ёши ва индивидуал хусусиятлари ва қобилиятлари;

уларнинг қизиқишлари ва мойилликлари;

тайёргарлик даражаси;

уларнинг ривожланиш хусусиятлари;

болаларнинг муסיқий ривожланишининг мақсад ва вазифалари;

муסיқа санъатининг ўзига хос таъсири;

бадий фаолиятни ташкил этиш шакллари;

бадий маълумотларнинг ҳажми ва сифати;

ўқитувчининг маҳорати, махсус педагогик билим даражаси;

бадий ривожланиш технологиялари.

Арт-педагогиканинг методлари дидактикада, бадий педагогика ва махсус педагогикада уларни таснифлашнинг умумэътироф этилган ёндашишларига асосланиб, ўқувчиларнинг ҳар бир тоифаси учун энг катта

самара берадиган услуб ва усулларнинг таркибини танлаш заруратини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Шакллантирувчи тажрибани режалаштириш ва ўтказиш – мусиқий фаолиятнинг етакчи турлари ва артпедагогик ва арттерапияси принципларига асосланган бўлиб, билимларни ноанъанавий, эркин, ўйноқи шаклда тинглаш, ижодий кутилмаган ва талқин, кўйлаш сингари билимларга эга бўлишни тақозо қилади. Фольклор педагогикаси элементларидан ҳам фойдаланилган.

Мусиқани идрок этишнинг мақсади: бола шахсини уйғунлаштириш, мусиқий санъат ёрдамида унинг психологик – эмоционал ҳолатини ва психологик жараёнларини тиклаш ва коррекциялашдан иборат.

Вазифалари:

боланинг ҳиссий оҳангини тартибга солиш (ошириш ёки камайтириш);

психологик эмоционал ҳаяжонни олиб ташлаш;

ҳиссий ифода этишнинг янги воситаларини ўзлаштириш;

неқбин, ҳаётий муносабатни шакллантириш;

тенгдошлар билан мулоқотни ривожлантириш;

музиқа, ҳаракатлар, ранглар орқали кайфиятини етказиш қобилиятини ривожлантириш;

болаларнинг психологик стресс ҳолатидан (агар мавжуд бўлса) музиқа идрок этиш орқали чиқариш;

ижобий ҳолатни моделлаштириш (катарсис).

Мутахассислар (И.В.Емельянова, Т.Н.Князева, А.Г.Кузнецова) тавсияларига кўра [80; 97; 105], тинглаш дастурларида болаларнинг идрокига мос машҳур асарларни танладик. Биз Мухтор Ашрафий томонидан ёзилган «Бўрон» биринчи ўзбек операси, Тўхтасин Жалиловнинг «Тоҳир ва Зухра» операси, «Баҳор кўшиғи» М.Бурхонов музиқаси Т.Тўла шеъри асар вальс темпида ёзилган, Жиззах вилояти туманлари фольклор кўшиқлари тўпламларини ўрганиш, Ўзбекистон давлат мадҳияси М.Бурхонов музиқаси

А.Орипов шеъри ва бошқаларни танладик. Мусиқани идрок этишда болалар билан машғулотлар қуйидаги тамойилларга асосланади:

болалардаги ижобий ҳиссий ҳолатларни моделлаштириш;

боланинг мусиқани идрок қилишининг мақсадга йўналтирилганлиги;

ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти;

ўқитувчи томонидан мусиқий асарни қабул қилишга «механизм»нинг яратилиши. Эшитишдан олдин биз ўқувчиларга муайян мажозий мусиқани идрок этишга тайёрладик ва ўқувчиларга ҳақиқий ҳаётдан бошқасига, тасвирлар ва кайфиятларнинг ҳаёлий дунёсига «қадам ташлаш»га ёрдам бердик.

Болалар билан суҳбатни тинглагандан сўнг (асарнинг таҳлили) маълум бўлдики, улар ҳаёлий саёҳатда қандай расм чизишлари мумкинлигини «кўришди» ва ҳис қилдилар.

«Асарнинг мусиқий қиёфасини моделлаштириш» технологияси

Масалан, синф дарсининг мақсади мажозий ёки яхлит таҳлил қилиш орқали бадиий мазмунни очиб бериш сифатида белгиланди (Ушбу технология мультимедиа тақдимотига ҳамоҳанг бўлган).

Ўзбек халқ эртаги «Зумрад ва Қиммат».

Жараёнда қанча персонажлар иштирок этади?

Эртак қаҳрамонларининг саъй-ҳаракатлари қандай кўрсатилган (секин, вазмин, ишончли, ўзига ишонмаган, виқорли, қатъий, қўпол)?

Эртакда эстетик тарбия тарғиб қилинганми?

Эстетик тарбия қайси жараёнларда ва нималарда ўз аксини топган?

Асардаги қайси қаҳрамоннинг ташқи кўриниши эстетик талабларни ўзида акс эттиради?

Болаларда эстетик тарбияни шакллантириш учун қайси қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши бир-бири билан таққосланиши мумкин?

Бошланғич синф ўқувчиларида эстетик тарбияни шакллантиришда қуйидагилар инобатга олинди:

- эртакдаги пейзажнинг тарбиявий жиҳати;

- эртак қаҳрамонларининг ташқи қиёфаси:
- эртак қаҳрамонларининг ички дунёси;
- эртак қаҳрамонларининг саъй-ҳаракатлари;
- эртак қаҳрамонларининг муносабатлари.

Болалар томонидан эртакнинг идрок этилиши жараёнларини аниқлаш.

Эртакдаги образларга фикрлар билдириш ва идрок этганликни аниқлаш.

Болаларнинг ҳиссиётига таъсир этган қандайдир расм ёки ҳиссиётлар, кечинмалар тасвирланганми?

Эртакни саҳналаштириш мумкинми?

Эртак қаҳрамонларига мос шеърлар тўқиш мумкинми?

Ҳар бир қаҳрамоннинг мақсадини ифода этадиган кўшиқ яратиш мумкинми?

Сизнинг тасаввурингизда расм чиздириш.

У қандай одам саволига жавоб бериш;

Ўқитувчиларда эстетик тасаввурни шаклантириш учун эртак оламига сайр қилдириш. Экрандаги ҳар бир эстетик жиҳатларга тўхалиб ўтиш ва болаларни савол беришга тайёрлаш.

Эртакни тинглаш ва кўриш жараёнида ижодий ишлар олиб борилади. Ўқувчиларни гўзалликни ҳис қилишга ва унга мос муносабат билдиришга одатлантириб борилади. Натижани аниқлаштириладиган суҳбатлар, савол-жавоб ва тестлар ўтказилади. Синфдаги болаларнинг ривожланганлик даражаси инобатга олинган топшириқлар базаси яратилади. Ундан кўзланган мақсад болаларга ўзини қулай ҳис қилишга, топшириқни ўзининг кучига қараб яқунлашга имконият яратишдан иборатдир.

Мультимедия тақдими тинглаш қобилиятини кучайтиради, ўрганилган асарларни идрок қилишни янада кўرғазмали ва жонли қилади.

Бундай маҳсус ташкил этилган эшитишнинг арттерапевтик таъсири қуйидагилардан иборат:

мусиқанинг жонли овози болани салбий тажрибалардан узоқлаштиради, унга табиат ва дунёнинг гўзаллигини очиб беради;

жамоавий эмпатия ва ўзаро таъсирга асосланган муסיқий идрок стрессни енгиллаштиради, болаларнинг психологик-эмоционал ҳолатини яхшилайдди.

Бола бадий образ билан санъатнинг турли хил турларида: кўриш ва эшитиш, бармоқ учлари ва бутун борлиғи билан яхлит ўрганиши керак. Агар болалар мусиқани севги ва илҳом билан идрок қилишни ўргансалар, унда уларнинг ҳар бири тўсатдан яширин табиий истеъдод ва қобилиятларини очиб беради.

Ушбу технология физиология, рефлексология, мусиқа технологиясини бирлаштиради ва мусиқий ривожланиш билан биргаликда психологик-эмоционал ҳолатни барқарорлаштиришга қаратилган интеграл мусиқа терапияси таъминланишига мос келади. Мусиқий терапиянинг бу тури мусиқий ва визуал идрокнинг синтезига асосланади: мусиқа ранг терапияси (рангларни уйғунликда мусиқий идрок этиш); мусиқа изотерапияси (санъат асарларини идрок этиш, табиат расмлари, шунингдек, расмдаги мусиқанинг «тасвири»).

Мусиқани тинглаш ҳам индивидуал, ҳам гуруҳ ишларида қўлланилди. Ушбу шаклларнинг ҳар бири мусиқа терапиясининг уч турида намоёиш этилиши мумкин: рецептив, фаол ва интегратив.

Мусиқани рецептив идрок этиш мусиқа ва ҳаракатнинг ўзаро боғлиқлигига асосланади. Имо-ишора тилида юз ифодалари, позалар, ҳаракат, боланинг ички ҳиссий ҳолати доимо акс этади. Ритмик ҳаракатлар новербал мулоқот ва ҳиссий стрессни юмшатиш воситаси сифатида намоён бўлади.

Мусиқанинг алоҳида ўрни нафақат товушнинг тембри ва жиололанишида, балки мусиқа ёрдамида табиат билан, бошқа одамлар билан яхлитликни ҳис қилиш қобилиятида ва ушбу бирлик тажрибаси орқали ўзининг руҳий барқарорлиги ва руҳий саломатлигини топади.

Муסיқани пассив идрок этишга асосланган анъанавий иш шакли қабул қилувчининг психологик, жисмоний ҳолатига, шунингдек, унинг муסיқий ва эстетик ривожланишига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Муסיқа ўқувчига фаол тинглаш ёрдамида қуйидагича таъсир қилиши мумкин:

ҳиссий жараёнларнинг катализатори;

эшитилган муסיқа асосида расмлар, образларни чизиш учун муסיқий фон;

тингловчиларнинг иш жараёнига жалб қилинишини кучайтирадиган дам олиш воситаси.

Муסיқий образлар билан фаол ишлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) муסיқа орқали ўзини англаш машқлари (муסיқанинг ҳиссий ва мажозий таркибини тавсифлаш, уни ўз ҳолати билан таққослаш);

2) муסיқага бемалол рақс тушиш, бу ўз-ўзини ифода этиш имкониятини беради;

3) якка тартибда ва гуруҳда амалга оширилган, сўнгра тенгдошлар билан оптимал ўзаро таъсир моделлари, ишлаб чиқилган асарлар ва мунозаралар синфида намойиш этиладиган муסיқий образларнинг чизмаси;

4) муסיқий хомаки расмлар-мавзу бўйича индивидуал импровизация (масалан, «Менинг аҳволим»). Бу боланинг эркин бўлишига ҳисса қўшади, унинг новербал ифодасини бойитади;

5) муסיқа асбобларидан фойдаланган ҳолда болалар бир-бири билан мулоқот қилганда, уларнинг ўзаро бир-бирини тушунишларига ҳисса қўшадиган, хулқ-атворини яхшилайдиган асбоблар бўйича диалоглар;

6) «жонли муסיқа» ўйини, битта мелодия турли хил оҳангларда ижро этилганда (масалан, алла – гоҳо қатъий, баъзан кўрқинчли, баъзан қувончли оҳангда ва ҳ.к.).

Санъат асарларида мужассамланган жонажон табиатнинг бойлиги ва гўзаллиги – бу бола руҳини тарбиялашнинг энг яхши усули, шунинг учун биз

бошланғич синф болаларига Ғ.Қодиров мусиқаси Б.Бойқобилов шеъри «Ватан кўшиғи» (уч қисмли сюита) марш темпида ёзилган, Ф.Назаров мусиқаси Н.Орифжонов шеъри «Болалар саройи» асари, «Мафтун бўлдим» («Мафтунингман» кинофильмидан) М.Бурхонов мусиқаси Т.Тўла шеъри, М.Атаджановнинг («Гулдаста») каби бастакорларнинг табиат ва фасллар тўғрисидаги кичик асарларни тинглашга имкон берамиз.

Биз ушбу маълумотлардан артпедагогика ва арттерапия воситаси сифатида фойдаланганмиз – биз болаларнинг санаб ўтилган асарлар билан танишишини мусиқа садолари остида пластик ва ҳаракатли машқлар билан бирлаштирдик, шу билан нафақат мусиқий билим ва кўникмаларни ривожлантирдик, балки уларнинг руҳий ва жисмоний кайфиятига ижобий таъсир кўрсатдик.

Болаларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини сақлашда уларнинг ижодий потенциални фаоллаштириш, изланиш, қувонч, завқ муҳитини яратиш, болалар шахсини ривожлантириш, индивидуал эҳтиёжлар ва қизиқишларни қондириш катта аҳамиятга эга. Мусиқани тинглаш пайтида столга эркин жойлашишга рухсат берилади, мусиқани яхшироқ идрок қилиш учун «ёпиқ кўзлар билан тинглаш» услубидан фойдаланилади. Қайта тинглашда биз рассомларнинг расмлари, фотосуратлари, видеолари, олдиндан тайёрланган ва мусиқий асарнинг мазмуни билан боғлиқ бўлган расмлардан фойдаландик. Болаларни кузатиш ва натижаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, санъат асарларини бундай идрок этиш уларнинг психологик-эмоционал ҳолатига ижобий таъсир қилади.

Мусиқий терапиянинг ҳар хил турларидан фойдаланиш мусиқий-эстетик ривожланишга, ўқувчиларнинг физиологик ва психологик қулайликка эришишига ижобий таъсир кўрсатди.

Вокализация усули.

Фаол вокализация болалар билан ишлашда турли хил усулларда қўлланилади: бу ўзини паст баҳолаган, ўзини ўзи паст тутадиган, ҳиссий оҳанги паст бўлган, коммуникатив соҳанинг ривожланишидаги муаммолари

бўлган болаларда психологик-эмоционал ҳолатларни тузатиш бўлиши мумкин. Машғулотлар оптимистик кайфиятни яратишга қаратилган: у ҳаётни мадҳ этувчи фонограмма ёки аккомпанементда куйланиши мумкин.

Биз гапирадиган сўзлар бизнинг танамизга, жисмоний танамиз қисмларига бевосита таъсир қилади ва уларни мувозанатлаши мумкин. Бирор товушни чиқаргандан сўнг, биз бирон-бир организмизни тузатишимиз, тозалашимиз ва уни энергия билан тўлдиришимиз мумкин.

Шифокорлар, ўқитувчилар, психологларнинг тадқиқотлари асосида [28; 135; 137] биз овоз машқларини мўътадил, ўртамиёна ва оқилона миқдорлаш тамойилига асосландик. Ҳар бир болага ўзи хоҳлаган тарзда кўшиқ айтишга рухсат берилди: бир вақтнинг ўзида, битта нотада, яъни ўзига хос оҳанг ва частотани топиш орқали.

Нафас олиш функцияси кўшиқ билан чамбарчас боғлиқ. «Нафас олиш – нутқнинг хом ашёсидир» [91]. Энг муҳими, мусиқий нутқда нафас олишдир. Вокал-нутқ жараёни бу вокал ва нутқнинг нафас олишига тўсқинлик қиладиган жараёндир. Вокал ва нутқий фаолиятни товушлардан сўзларга-ибораларга айлантириш – мазмунли кенгайтирилган нутқ «нафас олишнинг ижтимоийлашиши», «шахснинг босқичма-босқич ривожланиши» жараёнидир. Овоз товушларни, шифо товушларини куйлаш билан бошланади.

Ҳар бир товушда тасвирларни кўришга ўргатиш (ла1 - сичқонча, до б-айиқ) ва овоз билан турли хил интонацияларга тақлид қилиш – ажабланиш, кўрқув, қувонч; диафрагма тебранишларини бажариш орқали ундошларни куйлаш мумкин.

Болалар овозини йўлга қўйишда қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- а) нафасни машқ қилиш;
- б) кўшиқни тоза айтишни ўргатиш;
- в) ҳар хил нафас олиш тезлигини ишлаб чиқиш.

Қуйида мусиқа терапиясининг энг самарали усуллари келтирилган.

«Муסיкий хатлар». Ушбу услуб қимматли ижтимоий фазилатларни ривожлантириш – сабр-тоқат, эҳтиёткорлик ва бошқалар, шунингдек, ўз-ўзини ҳурмат қилишга ёрдам беради. У гуруҳда, индивидуал ва оилавий ишларда қўлланилади.

Болалар муסיқа асбобларини ва товуш чиқарувчи нарсаларни ижро этишда минимал кўникмаларга эга бўлиши ёки улар биринчи марта бунга муурожаат қилишлари мумкин.

Тайёргарлик босқичи (индивидуал ишлаш учун). Ўқитувчи ўқувчини хоҳлаган муסיқа асбоблари ёки предмети билан ижро этиши (чалишни) таклиф қилади, унинг ёрдамида боланинг қизиқишини билиб олиш мумкин. Кейин ўқитувчи билан биргаликда ижро этиш (чалиш) таклиф этилади, улар бир-бирига қандайдир товушлар бирикмаси яратишга ёрдам беради ёки муסיкий иборани ёки шунчаки олдинги иштирокчи бошлаган парчани давом эттириш имконига эга бўлади.

Ўқитувчи, шунингдек, болага ёқадиган ҳар қандай бошқа восита ёки буюм билан ўйнашни таклиф қилиши мумкин. Боланинг ўз-ўзидан ҳаракатни бошлаши муҳимдир.

Болани эркин фикр билдиришга ундайдиган муҳитни яратиш керак. Синф хонасида етарли даражадаги муסיқа асбоблари ва буюмлар бўлиши керак, улар ёрдамида сиз товушларни чиқариб олишингиз мумкин, улар бола учун қулай ва қизиқарли бўлиши керак. Бола импровизация қилади, ундан муайян қобилият ва кўникмаларга эга бўлиш талаб қилинмайди.

Биринчи босқич (гуруҳда ишлаш учун). Хонанинг ўртасига (ёки катта думалоқ столга) турли хил муסיқа асбоблари, муסיкий ўйинчоқлар ва товуш чиқарувчи буюмлар қўйилади. Болалар яқинроқ, айлана бўлиб ўтиришга таклиф қилинади. Ўқитувчи болалардан битта асбобни танлашни сўрайди, болалар бир хил асбобдан фойдаланишлари мумкин.

Иккинчи босқич. Ўқитувчи боладан (ёки гуруҳдаги иштирокчилардан бири) ўз асбобидан бир нечта товушларни чалиб беришни ва «ўзининг

мусиқасини» ўйнаб беришни сўрайди. Агар болалар учун машқларни бошлаш қийин бўлса, унда аввал ўқитувчи бошлаб беради.

Иштирокчилардан бири ўз хаёлотидан келиб чиқиб, товушлар композициясини таклиф қилади. Унинг композицияси чўзилиб кетмаслиги керак, шунда барча болалар бир неча бор иштирок этишлари мумкин бўлади.

Учинчи босқич. Мусиқий импровизация жараёни дискда (флешкада, дискда, телефонда) ёзиб олинади. Болаларда бошқа қўшимчалар бўлмаса, ўқитувчи уларга ёзувини тинглашни таклиф қилади.

У болаларнинг ижодига ижобий баҳо беради, ижод жараёни хақида яхши фикр билдиради, болаларга ўзларининг мусиқий асарларини муҳокама қилишларини таклиф қилади. Бундан кейин болалар яна ёзувни тинглайдилар.

Муҳокаманинг диққатга сазовор жойлари:

Қайси асбоблардан кўпроқ фойдаланилган?

Товушлар хақида нима дейиш мумкин, импровизацияларда улар устун келади, ана шуларни тасвирлаш?

Қандай товуш бирикмалари эсда қолди?

Бирон бир мусиқани эшитиш мумкинми?

Уларнинг фикрига кўра, улар яратган мусиқа нима дейди?

Мусиқада болалар ҳаёти, уларнинг ўзаро муносабатлари акс этдимми?

Ҳар бир бола жамоавий ижодга нималарни олиб кирди?

Унинг асбоби қандай янгради?

Яратилган мусиқа дарсга ва умумий иш натижасига қандай таъсир қилди.

Тўртинчи босқич. Ушбу босқич аввалгисига вариант сифатида ёки унга қўшимча сифатида ишлатилади. Ўқитувчи боладан ёки гуруҳ аъзоларидан бирини сўрайди: уларнинг мусиқий асарида нима бўлиши мумкин, унинг сюжети, мазмуни нимада ёки бу мусиқа нимага қўшилиши мумкин, унинг фониди нима бўлиши мумкин, уларнинг мусиқаси нимага ўхшайди. У

болаларга ҳикоя қилиб бериш, дискда ёзилган болалар мусиқаси билан айтиладиган мусиқий эртакни ёзишни таклиф қилади. Болалар навбат билан «эстафета таёқни» айлантириб, эртак ёзадилар.

Вариант: Болалар кўшиқнинг сўзларини яратадилар, бу кўшиқни уларнинг мусиқасида айтиш мумкин. Бутун жараён видеога ёзиб олинади. Кейинги дарсда болалар мусиқий эртак, кўшиқлар ёзувини тинглашади, муҳокама қилишади.

Ўқитувчи ёзувни тўлдиришни, бошқа мусиқа асбобларини чалишни, бошқа сўзларни ёзишни ёки эскисини тузатишни таклиф қилади.

«Дирижёр». Болага мусиқага дирижёрлик қилиш таклиф қилинади. Бу боланинг мусиқага қизиқишини оширади ва психотерапевтик самара беради.

«Эркин рақс». Ушбу машқ эркин ҳиссиётларнинг ифодасидир. Болаларга ўзларининг «Менинг энг яхши куним», «Мен ва менинг ота-оналарим» рақсини ўйлаб топиш тавсия этилади.

«Мусиқа остида расм чизиш». Мусиқа тинглаётган пайтда болаларга хоҳлаган нарсаларини чизиш тавсия этилади. Мусиқа остида туғилган расм улар томонидан қоғозга бемалол туширилади. Қаламлар, бўёқлар, бўрлар ишлатилади. Мусиқа ёрқин, ҳиссий жиҳатдан бой, мулойим овозли, сокин бўлиши керак.

Фольклор арт-педагогикаси. Фольклор арт-педагогикаси катта арт-педагогик ва арт-терапевтик имкониятларга эга. Ўзбек мусиқий халқ санъатидан фойдаланиш нафақат мусиқий таълимнинг самарали воситасига айланиб қолиши, балки ёш ўқувчиларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиши, тенгдошлари билан ўзаро муносабатларни осонлаштириши мумкин.

Мусиқий фольклор (халқ кўшиқлари ва халқ чолғуларидаги куйлар) дастлаб ўзбек халқининг қадимий сеҳрли, диний маросимлари ва байрамларининг ажралмас қисми бўлган. Қадимги байрам маросим маданияти доирасида мусиқа миллий рақслар, ўйинлар, халқ амалий санъати ва кўл санъатлари (халқ либослари, заргарлик буюмлари, маросим

ниқоблари) ва халқ чолғулари (карнай, сурнай, доира, най, рубоб ва бошқалар) билан синтез қилинган.

Қадим замонлардан бери Ўзбекистонда мусиқа ва кўшиқ ўзбекларнинг ҳаётидаги энг муҳим воқеаларнинг туғилишидан то ер юзидаги кунларнинг охиригача бирга бўлган ва барча маросимларда иштирок этган.

Шундай қилиб, келинни куёвнинг уйига кузатиб борадиган аёллар «Ёр-ёр» кўшиғини куйлашади. Бола туғилгандан кейин еттинчи куни у биринчи марта «Алла» остида бешикка беланади. Бола касал бўлиб қолса, кўшиқ билан тасалли топади. Қадимги «Йиғи» ва «Йўқлов» кўшиқлари ханузгача дафн маросимида ва эслашларда айтилади. Ўзбекистоннинг кўпгина оилалари анъанавий-маънавий кўшиқларни асраб-авайлашади ва улар қадимий мерос саналади.

Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида дала ишларини биринчи маросими ва «Кўш ҳайда» кўшиғи билан бошланади ва «Обло барака» кўшиғи билан ҳосил йиғиш одат тусига кирган. Сурхондарё ва Қашқадарё деҳқонлари «Ёз» кўшиғи билан ғалла майдалашади – «Майда» маросим оҳанги. Ўзбекистонда баҳорги «Наврўз» байрами «Наврўз айёми» ва «Наврўз муборак» хор кўшиқлари билан, қишда эса биринчи қорни «Қоркелди», «Қорхат» ҳазиллари билан кутиб олишади.

Одамлар томонидан яратилган кўшиқлар оила ҳаётида алоҳида рол ўйнаб, унга ўзига хос ҳиссий «ранг бериш» имконини беради. Улар туғилишдан то охириги кунларигача ҳар бир кишига ҳамроҳ бўлади: аллалар, ўйинлар, кулгили, лирик, меҳнат, тўй, йиғлаш, тарихий кўшиқлар ва бошқалар. Болалар ривожланишида ва даволанишида мусиқанинг ўрни беқиёсдир. Болалар фольклори болаларга соғлом, қувноқ, хотиржам бўлиб ўсишда ёрдам беради.

Албатта, ўзбек мусиқий фольклори фақат маросим кўшиқлари билан чекланиб қолмайди. Қадимги «кўшиқ», «лапар», «ялла» кўшиқлари рақслар

хамроҳлигида ижро этилган, улар шеърий матннинг нақоратларига асосланганлиги билан машҳурдир.

Ўзбек мусиқий фольклорининг бу хусусиятларини, маънавий-ахлоқий таркибини, биргаликдаги жамоавий фаолият шакллариغا эътибор қаратсак, унинг салоҳиятини ўсиб бораётган шахснинг ички ва ташқи (ижтимоий) туйғулари ва эҳтиёжларини уйғунлаштиришга ёрдам берадиган таълим воситаси сифатида таърифлаш керак.

Шу мақсадда биз ўзбек халқ мусиқасининг қуйидаги хусусиятларидан фойдаландик:

шеърий матн, оҳанг ва ритмнинг ўзаро боғлиқлиги;

болалар фольклорининг ахлоқий мазмуни, болаларга эзгулик, гўзаллик туйғуларини сингдириш, халқ донолиги, ақл-идрок, шунингдек, табиат, хайвонлар, уларнинг оиласи, она юрти, Ватанига муҳаббатни сингдиришга қаратилган;

овоз, мусиқа, ҳаракат, драма, расм, ранг билан даволанишни ўз ичига оладиган арт-терапия тизимининг мавжудлиги;

инсон шахси яхлитлигини сақлаш учун яширин маълумотни қабул қилувчи;

терапевтик бошланиш – анъанавий болалар кўшиқлари болаларда нафақат мусиқий эшитиш ва хотирада, балки ўпкада, нафасда, овозли аппаратда ривожланади;

ўзбек рақсларининг хусусиятлари – кўллар ҳаракати, айниқса, бармоқларнинг, тананинг айланиш ҳаракатлари, елка ва бўйиннинг мураккаб ҳаракатларини ифодалаши;

миллий либос ва унинг ранглар уйғунлиги, нақш табиати билан даволаш.

Бадий фаолиятнинг ижобий мотивациясини рағбатлантириш жуда муҳим, бу қуйидаги усуллар ва услублар билан таъминланиши мумкин:

тайёр намунани намоиш қилиш (масалан, тасвирий фаолиятда, фаолиятнинг тайёр маҳсулотини намоиш қилиш чизиш, кўллаш,

моделлаштириш; бадий-нуткий – эртак, шеър шаклида; мусикада – кўшиқ, рақс ижроси ва бошқалар);

бадий фаолиятнинг барча турларида ижодий топшириқлардан фойдаланиш (масалан, жумбоқ, хор, рақс композициясини ёзиш, персонаж образини пластик ҳаракатлар билан етказиш ва бошқалар);

қизиқарли машқлардан фойдаланиш;

дарснинг ноанъанавий шакллари (маросим дарси, дарс-концерт, дарс-байрам, дарс-саёҳат) [14].

Бошланғич синф ёшида энг самарали усуллар – бу амалий усуллардан, яъни ўқитиш, жисмоний машқлар, ўйин ва тарбиявий вазиятлардан фойдаланиш ҳисобланади. Қоида тариқасида бу усуллар ахборот усуллари – суҳбат, маслаҳат, фантастика, кино, тасвирий санъат, мусиқа ва ҳоказоларнинг мисолларидан фойдаланилган ҳолда қўлланилади. Берилган маълумотлар ўқитувчининг изоҳига, болалар ёки катталар ҳаётига оид мисоллар асосида бўлиши керак. Шунинг эса тутиш керакки, ўқитувчининг хулқ-атвори, нутқи, хатти-ҳаракатлари, гаплашаётган нарсаларга шахсий қизиқиши ўқувчиларда эстетик хатти-ҳаракатларнинг муайян эстетик қоидалари ва кўникмаларини шакллантиришга бевосита таъсир қилади. Ўқитувчининг санъат асарларини баҳолаши болаларда санъат ва атроф-муҳитга эстетик муносабати, эстетик эҳтиёжлари, қизиқишлари, мулоҳазалари, баҳоларини шакллантиришга таъсир қилади.

2.3. Арт-педагогик ва атр-терапевтик технологиялар асосида бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш модели

Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш модели бадий шаклларнинг арт-педагогик таъсиридан самарадорлиги ошганлигини исботлади, бу ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги субъект-субъект муносабатларга асосланган ва мақсадли, информацион, диагностик, ташкилий, технологик, ижодий-фаолиятли, натижали блокларни ҳисобга

олган ҳолда яратилган педагогик тизимдир. Тадқиқот давомида аниқландики, бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик ривожланишининг самарадорлиги санъат турларининг қуйидаги ўзаро алоқасига боғлиқ:

бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тажрибасини санъат турларини амалий-синтетик идрок қилиш орқали тизимлаштириш;

тасвирий санъат ва мусикада бадиий образ экспрессивлигини тушунишнинг ягона асосини яратиш;

ўқитувчининг бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик фаолиятини воқеликни ҳар томонлама яхлит ва ижодий ақс эттириш жараёнига қаратиш.

Амалдаги арттерапевтик усуллар ўқитувчиларнинг алоҳида эътиборига муҳтож болаларга алоҳида ёндашувни топиш имконини беради. Ушбу усулларга оғриқли кечинмалардан чалғитиш усуллари киради; ўқувчи билан алоқани осонлаштириш усуллари; ёпиқ шаклда ижтимоий-эмоционал муносабатларни шакллантиришга, ўз-ўзини англашга, ўзини ошкор қилишга ва ўзини ўзи ижодий англашга олиб келадиган усуллар.

Юқоридагилардан хулоса қилсак, тасвирий санъат дарсларида нафақат ўқув, балки диагностика, ривожланиш, реабилитация ва тузатиш вазифаларини ҳам бажариш мумкин, деган хулосага келишимиз мумкин.

Тасвирий фаолият жараёнида бадиий образ билан ўзаро алоқа ўқувчиларни аллегория ва метафора тилидан фойдаланган ҳолда ўз тасаввурларига, ички тажрибаларига ва ахлоқий қадриятларга мурожаат қилишга ундайди. Ушбу иш амалиёти нафақат тасвирий, ижодий натижаларга эришишга, балки ўқувчилар хулқ-атворининг инсонпарвар йўналтирилган моделларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Ўқувчилар (айниқса, соғлиғи ёки ҳиссий муаммолари бўлганлар) салбий ҳиссиётларни ижтимоий жиҳатдан мақбул ечимини топиш имконига эга бўлишди (расмлар, ҳайкалтарошлик устида ишлаш – бу ҳиссий стрессни енгиллаштиришнинг хавфсиз усули).

Мақсадга оид таркибий қисм		
